

ЕР ОППОҚ, КЎК ОППОҚ...



Сурат муаллифи Н. Муҳаммаджонов

Ер оппоқ, кўк оппоқ, олам оқарган,
Қалбим оқ, туйғум оқ, кўзимда оқ нур.
Бу оппоқ дунёга хушбахт боқаркан,
Оқариб бормоқда ҳаёл, тасаввур.

Мен қишлоқ қишини чизмоқ, бўламан,
Таниш сўқмоқлардан топиб бўлмайди.
Вақтида ёғилган ризқдан оқ далам,
Лек бундан отамнинг кўнгли тўлмайди.

Бибисора Туробова

Нурсиз кўзларини кўкка тикаркан,
Ўзича шивирлар: «Тупроқни тўйдир!...»
Сўнгра дала сари одимлар ўйчан,
Бу дамлар мен учун ҳеч қайтмас куйдир.

Ер оппоқ, кўк оппоқ, кўзимда оқ нур...

УШБУ
СОНДА

ҲИДОЯТ
ШУЪЛАСИ
ЁҒИЛСИН...

2

ЎЗГАНИНГ
НАРСАСИ...

3

АЙРИЛИШИМИЗ
АНИҚ ЭНДИ...

4

САБР-
ИЙМОННИНГ
ЯРМИ

5

КЕНГ
КЎНГИЛГА,
КЕНГ ДУНЁ

6

ЭХТИЁТ
БЎЛИНГ
БОЛАЛАР
БОР...

7

РАНГЛАР
ҚУДРАТИ

8

ЎҒЛОНЛАРИМИЗ — ФАХРУ ФУРУРИМИЗ

Оилада фарзанд туғилса, қувончимиз ичимизга сиғмай кетади — кўринган таниш-нотанишга суюнчи улашамиз, бу хурсандчиликни, бу бахту саодатни дўстлар, қадрдонлар даврасида ҳам курашимиз. Туғилган фарзанд билан боғлиқ бу одату удумларимиз қадим-қадимлардан буюн турмушимиздан мустақам урин олган. Дунёга келган фарзанд, у қизми, уғлими ота-она, эл-юрт учун қадрли ва муқаддасдир. Халқимиз қизалоқлари қадр-қимматини камситмаган ҳолда, ўғлонларига алоҳида бир меҳр қузи билан қарайди. Уғиллар хонадонимизнинг эртанги соҳиб, ота-боболар касбу ҳунарининг давомчиси...

эмас. Бот-бот жанглари, суронлар, талофатлар ҳам юз берган. Бизнинг муқаддас еримиз, табиий бойликларимизга эга бўлмоқни қўзлаган, меҳнаткаш халқимиз буйнига қўллик занжирини боғламоқни орзу қилган ввўз кучлар юритимизга неча-неча бор қўшин тортиб келишган... Юртининг мард ўғлонлари ҳар гал ёғилларни даф қилишаверган... Шу сабабдан Ватан, Халқ бир бутунлигича, муқаддаслигича сақланган қолган... Ота-боболар шу жаннатмакон юртни, шу ҳар қаричи олтинга тенг Ерни авайлаб-асраб, бизга мерос қолдиришган экан, ана шу ишончга қар биримиз муносиб бўлмоғимиз керак. Аллоҳ таолло бизни ота-она бўл-

14 январь — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Ота-она кундан кун ўсиб камолга етаётган углининг қандай сифату даража соҳиб эканлигидан қатъий улазар Ватан посбони ҳам эканлигини эътироф этаркан, қувонади ва айни пайтда юраклари мисоли дарахт бағрлари сингари титраб, Яратгандан илтижо қилиб сурайди: «Илоё ўғлоним ўссин, унсин, ўзидан кўпайсин. Илоё юрда тинчлик, осоийшталик ҳукм сурсин»...

Худога минг қатла шукр, юртимиз осмони мусоффо, турмушимизда яшаш, яратилш завқ-шукри ҳукмон. Уғилларимиз куз ўнгимизда униб ўсишгапти-боғчаларга қатнашгапти, мактабу олий ўқув даргоҳларида билим олишгапти, касб-ҳунарни эгаллаб бунёдкорлик ишлари билан машғул бўлишгапти. Ҳаётнинг асл мазмуни шу-аслида... Лекин, афсуски, кўп асрлик кишилик тарихи фақат тинчлиги хотиржамлик, бунёдкорлик лавҳаларидангина иборат бўлган

моқ шарафига нойил этибдимиз-ўғлонларимизни, юрт посбонларини мард, жасур, эътиқодли, диёнати инсонлар қилиб тарбиялашни энг олий бурчимиз-вазифамиз деб билайлик. Улар ҳали гудаклигиданоқ қўлоқлари остида қўйлаган аллаларимиз, сузлаган эртагу достонларимиз, айтган панду насиҳатларимизда эл-юртга муҳаббат, садоқат ва эътиқод инсон учун нечоғли буюк маъно — мазмун касб этишини сингдирайлик.

Фарзандларимиз-ўғлонларимиз эса ўтмиши буюк халқ эканлигимизни, биз учун шу муқаддас тупроқ, шу Ватан жон қадар азиру муқаррам эканлигини, зиммамизга уни асраш, авайлаш, яшнатиш-гуллатиш вазифаси юклатилганини дилдан ҳис этсинлар... Токи биздан авлодларимизга овоз ва обод Ватан мерос бўлиб қолсин...

Дилбар САИДОВА

Ўдимда... Илгари муборак Рамазон ҳайити байрамнинг қувончлари ҳақида фақат оталаримиздан, боболаримиздан эшитиб келардик. Улар уз болаликларининг ёрқин дамларини Рамазон ҳайит байрамнинг қувончлари билан боғлаб гапириб беришарди.

Истиқлол бизга нафақат ўзлимизни балки барча байрамларимизни ҳам қайтарди. Наврўз, Ийд Рамазон, Қурбон ҳайитлари-

қутлаймиз.

Ийд Рамазоннинг яна бир ҳосияти шундаки, меҳру муҳаббатта ташна инсонларнинг ҳоли аҳолидан хабар олинади. Етимларга ҳайру садақалар эҳсон қилинади. Кўнгулларини қутариб уларга рамазон совғалари тақдим этилади.

Яна шу кўнларда ўтиб кетган ота-боболаримизнинг муқаддас руҳи-покларини ёдга оламиз. Мусулмон оламининг бандалари эканли-

ҲИДОЯТ ШУЎЛАСИ ЁФИЛСИН...

ни узбекона удумларга йўғрилган байрамларимиз билан бирга қайтарди.

Руза — яъни покланиш ойининг якунида кўнгуллар қандайдир бир шукуҳга тулиб бораётгандек...

Уч-тўрт кундан сўнг нишонланган ҳайит байрами, унинг элимизда барча юртдошларимиз қалбига бағишлайдиган бир олам севинчлари ҳақида ўйладим.

Ийд Рамазон айёмининг узига хос анъаналари бор. Рамазондан бир кун аввал энг тансиқ таомлар билан қўни-қўшиларни йўқлаш, хуш хурсандчиликлар, тонгда эса... Қўтловлар!.. Шу кўни оҳорли кийимлар қийиб тонгда намозга кетган оталаримиз, ака-укаларимизни ҳайит байрами билан муборакбод етишга ошқамиз. Уларни Яратган шундай ажойиб қўтлуг дамларга етказгани билан

гимизга иймон келтирамиз.

Зеро, инсон руҳияти маънавиятининг жавҳари Иймондир.

Аллоҳ таоло кишилик жамиятини бир боғ қилиб, уни турфа миллатлар, турфа урф-одатлар бериб яратган. Мана шу нарсаларнинг ўзи кишилик жамиятига фэйз-тароват бағишлайди. Қадимдан улўғланаётган Шарқона одатларимизнинг буюклиги бу.

Юртимизнинг азиз остонасида турган ийд Рамазоннинг муқаддаслиги ҳам ана шунда. Биз азиз юртдошларимизни, хусусан «Оила ва жамият» газетасининг барча мухлисларини ушбу қўтлуг айём билан муборакбод этамиз. Яратган ҳар бирингизнинг хонадонингизни ҳидоят нурлари билан мунаввар айласун!

Басира Саййид Али

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

БЕШ БАРМОҚ ОҒИЗ ЙИРТАР

Баъзан бирор жойга шошилиб турганимизда такси қира қиламиз. Иложи борица арзонроқ нархда кетишни хоҳлаймиз. Лекин ҳар доим ҳам ниятимиз вожиб бўлавермайди. Ҳайдочнинг «Бензин қиммат, бориб келишимизни қолмайди» қабилдаги гап-сузидан ансамиз қотади.

Қирғизистон Республикасида эса бензиннинг бозори яна ҳам чаққон экан. Айрим тижоратчилар шундай дейишмоқда. Бевоқифа шу иш билан шуғулланадиган қирғизистонлик Т. Мирқосимов, А. Мирзаҳмедов ва тожикистонлик М. Убайдуллаевларнинг жами 169200 сумлик бензин ёқилгисини Республикаимиздан ташқарига олиб чиқишга уринишларининг боиси ҳам шунда эди. Лекин, хизмат постида сергак турган божхоначилар бу тижоратчиларнинг «таноби-ни тортиб қўйишди. Уларга тегишли махсусотлар давлат фойдасига мусодара қилинди. Бояқишлар «Беш бармоқ оғиз йиртар» деган нақлнинг маъносини энди чақишган бўлса, ажаб эмас.

СОВУНДАН ҚОВУН ТУШИРИШДИ

Тожикистонлик Маъмур Сангинов ва Меҳмонали Тошматов 38.200 сумлик ҳужалик совунини аёлларга «совга» тариқасида сотиб олган эдилар. Бироқ, «Андижон» божхона маскани ходимларининг синчковлиги тўғрйли совга интизор бўлиб қўтаётган эгаларига етиб бормади. Сабаби оддий: Республикаимиз ҳудудидан ноқонуний равишда чиқиб кетаётган совун узимизнинг аёлларга ҳам керак экан. Хуллас, тижоратчи биродари азиятларимиз совундан қовун туширишди.

ҚОЗИҒИНИ ТОПГАН ҚОРАМОЛЛАР

Одамнинг жаҳли бурни устида, молники эса ташида бўлади, дегани рост экан. Яқинда қозғистонлик Н. Каримов 127 минг сумлик уч бош қорамолни усти ёпик машинада уз юртига олиб ўтаётган эди. қорамоллар «Эшонбод» божхона маскани ходимларини кургани заҳот эгасини танигандек, баробарига маъраб юборишди. Шундай қилиб, қорамоллар қозғигини топишди.

ОРЗУСИ УШАЛМАЙ ҚОЛДИ

«Кама3» юк машинаси рулига утиргач, хоразмлик У. Давлатовнинг озғини таноби қочди, босар-тусарини билмай қолди. Устига-устак «тойчоқ оти» ни миниб миллиардер бўлиш орзуси туғилди унда. Шу мақсадда машинасида 474 минг сумлик кир ювиш порошоги, 3.800.000 сумдан кўпроқ аксиз марказиз ҳорижий сигаретларни республикамиз ҳудудидан олиб чиқиб кетаётган эди. Агар у божхона турига илинмаганда орзусига эришган бўларди, албатта.

ҲАМИША ХУШЁР ВА СЕРГАК

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари Ўзбекистон республикаси божхона чегарасида озик-овқат, моддий бойликлар ва гиёҳванд моддаларни ноқонуний равишда олиб кириш ва олиб чиқишга қарши кураш борасида илҳомий натижаларга эришмоқдалар. Жумладан: ўтган ҳафта давомида 203,5 минг сумлик мол гушти, 5000 сумлик етти бош от ва икки бош қорамол, 886,2 минг сумлик томат пастаси, 516.800 сумлик тушенка, умумий нархи 6 миллион 750 минг сумлик сариеб махсусотлари божхона назоратидан яшириб олиб чиқилаётганда тўхтатилиб қолди. Бу рақамлар божхона ходимларини уз хизмат постларида ҳамиша хушёр ва сергак туришидан далолат бериб турибди.

М. БЕК,
К. ТОШ

БУ БИР БАХТДИР



Суратдаги файзли чехраларга разм солиб, бир умр ҳамнафас бўлиб бир соҳада ҳаммаслақ, ҳамкор бўлиш ҳам катта бахт, дедим. Ха, оила зиёбони Ирисали Тошалиев 35 йилдан буюн ўзбек тилишунослиги соҳасида кашфиётлар қилиб келаётган етук олим. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди.

Турмуш ўртоғи Мамлакат Жўрабоева ҳам узок йиллардан бери ёшларга тил соҳасида чўқур билим бериб келаётган олима. Фарзандлари Севарахон, Сарварахон ва Фарходжонлар ҳам ота-оналари изидан бориб тил мутахассислари бўлиб етишган.

Она тилимиз муаммолари, тил бойликларини ривожлантириш масалалари оила даврасидаги энг қизиқарли, серзавқ мавзулар ҳисобланади.

З. Тўлаганова,
Н. Мухаммаджонов олган сурат

АЁЛЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Сирғали тумани ҳокимлигида «Аёллар йили»га бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда туман ҳокими М. Йўлдошев утган Оила йилидаги туманда юз берган муҳим ўзгаришлар ҳақида сузлади ва барча хотин-қизларни янги 1999 йил — «Аёллар йили» билан табриклади. «Сўнг, туман ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Феруза Орипова

Оила йилида қўлга киритилган ютуқлар, ечимини қўтаётган муаммолар, янги режалар ҳақида маъруза қилди.

Конференцияда Олий мажлис депутатлари Мукаррам Азимова, Алижон Қирғизбоев ҳам сузга чиқдилар.

Конференцияда Аёллар йили муносабати билан туман хотин-қизларига қарата мурожаатнома қабул қилинди.

Насиба РАИМҚУЛОВА

Ушанда мен 15 ёшда эдим. Ҳамон эсимда. Шу бугунгидек, қишинг айна қирчиллаган палласи эди. Атроф қорға бурканган. Чилла кириб бутун борлиқ совуқ ҳукмида. Совуқ шу даражада эди-ки, юз-кўзни беаёв чимчилар, иссиққина қишлоқ ботинкада ҳам оёқлар совуққа бардош беролмасди. Қуллар ўз ўзидан пальтолларнинг чуқур чунтакларини макон қилган. Нима бўлди-ю, уша куни укам билан қаергадир бордик. У ерда узоқ утирмасдан уйга қайтаётган эдик. Кеч бўлиб қолгани учун янги очилган катта йўлдан машиналар қатнови анча сийраклашиб қолган эди. Уйимизга икки чақиримча қолган эди. Катта йўлнинг ўртасида қай куз билан қарайликки, тўрт томонидан тилиниб уйнинг поли боп тахта ётарди. Узунлиги 5—6 метрга бора-р, қалинлиги 15—16 см: йўлда ётган тахта тушиб қолганига анча бўлган бўлса керак, нам тортиб кечки совуқдан музқотган эди. Ака-ука севишиб кетдик. Ҳатто бизни чимчиллаётган совуқни унутиб бир қор-халимизга яраб қолармикан, деган ҳаёл билан тахта ётган жойга бордик. Тахтани кутариб курсак анча оғир, шундай бўлса-да, уни олиб кетишга қарор қилдик. Қаердан ҳам куч келди, бир даҳажонимизни хурсанд қилиш нияти билан келдимки, ишчилиқ тахтани кутариб 2—3 соат давомида уйга кириб келдик.

Уйга кириб, дадам, бувим (худо раҳматига ҳар иккисини олган бўлсин) укам, аямлар чой ичишиб

утирибдилар. Назаримда ҳар иккимиз тердан шалло-бо бўлиб, ҳатто юзларимиз бўрсилдоқ нондек шишиб кетиб, меҳнат қилиб чарчаган отлардан чиқадиган буг бошимиздан кутарилар эди. Ҳаммалари аҳволимизни кутариб бир зум жим бўлиб қоларди. Дадам жимликни буздилар:

— Хўш шоввозлар, тинчликми? Мардикорлик қилдиларингми, ё?

Менинг ўрнимга суюнчини мен олай дедими, укам қилган унумли ишимизни «со-тиб» куйди.

— Тахта олиб келдик.

Ҳеч нарсага тушунмай онам (жуда ҳалол аёл эдилар) сурадилар:

— Қандай тахта?

Ҳеч гапиришга мадорим қолмаган бўлса-да:

— Катта йўлда зур тахта ётган экан. Шартта олдик-да, кутариб келавурдик, — дедим катталарга хос гурур тула ишонч билан. Дадам мени гапимдан ҳушёр тортдилар. Савол-жавоб бошланди:

— Шундай катта кўчада тахта ётган эканми?

— Ҳа-да, катта йўлда ётибди. олиб келавурдик.

— Олдиларинг-да, келавурдиларинг...

— Узиям олти метрдан кам эмас.

— Хўш, уни нима қила-

сизлар энди?

— Нима қилардик, ишлатамиз.

— Қаерга ишлатамиз.

— Полимизга ямақ қиламиз, ҳалиги катта уйни қирган жойига.

— Эгаси нима қилади, ўша тахта бирор қорига етмай қолса-а?

Дадамнинг жаҳллари чиқа

ётган тахта экан, ёшлиқ қилиб, билмай олиб келиб қуйибдилар, майли чанада олиб бориб қуйишсин, — дадам силтаб ташладилар.

— Ҳаммасига Сиз айбдор экансизда, агар чанада олиб боришса, мени бундай уғилларим йўқ!

Биз ака-ука энди уртага ҳеч қандай гап тушиши мумкин эмаслигига тушундик. Қанчалик қийин бўлмасин биз тахтани даст қутардик-да олиб келган томонимизга қараб кетдик. Олиб бориш олиб келишдан осон эмасди, буни устига чарчаган эдик. Қанчалар қийин бўлмасин, биз ишнинг уйдасидан чиқдик. Йўлнинг ҳеч кимга ҳалақат бермайдиган жойига олиб бориб қуйдик.

Ҳориб-толиб қайтиб келсак, дадам билан бувим дастурхон устида уришиб қолган одамлардек жим чой ичиб ўтиришарди. Афтидан биздан сўнг анча-мунча ора-ларидан гап ҳам ўтган.

«КУНЛАРНИНГ БИРИДА...» ТАНЛОВИГА

— Ҳеч қандай чана-пана эмас, қандай олиб келган бўлсаларинг шундай обориб қўясанлар, тамом вассалом.

Бувим бизга ичи оғриб ёнимизни олмоқчи бўлдилар.

— Қуйинг дадаси, йўлда

Дастурхон четида қуйилган икки коса ошни биз индамайгина едик. Ҳамма жим. Биз овқат едикми, овқат бизни едимми тушуниш қийин эди. Шу-шу бўлди, биз ҳаммамиз учун бир умрга татийдиган, ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган сабоққа эга бўлдик.

Шу воқеани эслайману, баъзида қулоққа чалинган гапларни ҳазм қила олмайман.

— Бировнинг уйдан тахталарини олиб чиқиб кетибди-я?

— Янги уйни дераза, ромлари йўқ эмиш...

— Яқинда бир киши янги уй қуриш учун синччи урнатиб ҳашарга одамларни чакирса ёғочларини бирор дон қолдирмай олиб кетишибди. Ўзгага насиб қилмаган, сенга насиб қиладими, яшшамагурлар. У дунёда нима деб жавоб бера экан булар.

Уйланиб қоламкан, қандай одамлар бор орамизда, бировнинг нарсасини олиб кетаверадиган-а?!

Ахир «Ўзганинг нарсаси» қандай қўлдан ботади. Мен ва укаларим бизни турги тарбиялаб вояга етказишгани учун ота-онамиздан рози бўлиб Аллоҳ-таолога шукрона айтиб яшаб келмоқдамиз. Яхшиям ушанда дадам шундай қилган экан, акс ҳолда...

Худо асрасин. Сизлар нима дейсизлар, қадронлар?

Дилқабеш,
Андижон

МЕҲНАТИМИЗ ЗОЕ КЕТМАБДИ

Тахририятимизга «Дадажоним меҳрига зорман» (1998 йил 43-сон) сарлавҳали мақола юзасидан Бухоро вилояти ИИБдан қуйдаги мазмунда жавоб хати келди.

— Нарғиза Соҳибназарова мақолада курсатилган мазмундаги важлар билан унинг онаси Соҳибназарова Ҳалима 1998 йил 21 июлда вилоят ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилган. Ариза текшируви якунига қура, милиция ходими Ш. Соҳибназаровга турмуш ўртоғи билан ажралиш масаласини қонуний ҳал этишда йўл қўйган хато ва камчиликлар учун тегишли интизомий жазо чораси қўлланилган.

— Газетада босилган мақолада қайд этилган ҳолат бўйича қайта текшириш ўтказилди, — дейилади жавоб хатида. — Маълум бўлишча, Ҳалима Соҳибназарованинг Бухоро шаҳрида яшаш истаги бўлган. Ш. Соҳибназаров эса қарамоғида кекса онаси борлиги туфайли аёлининг бундай шартига рози бўлмади. Айнан шу масалада эр-хотин келиша олмагандан кейин аёл болаларини уйдан олиб чиқиб кетади.

Шундан кейин Ғийдувон туман судида 1998 йил 18 августда Ғуқаро Х. Соҳибназарованинг ажралиш ва мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги даъво аризаси қуриб чиқилиб, даъвогар узига тегишли бўлган мол-мулкни қабул қилиб олади. Шунингдек, туман судининг 1998 йил 11 декабрдаги ҳал қилув қарорига биноан улар ўртасидаги низоҳ бекор қилинади. Ш. Соҳибназарова 1997 йилнинг апрель ойидан буюн икки нафар боласи учун тегишли нафақа пулини узлуksиз олиб келаятгани ҳам маълум бўлди.

Ш. Соҳибназаров ва онаси Ҳосият Соҳибназарова ўз ихтидорларидан оилани сақлаб қолиш мақсадида қилган барча ҳаракатлари самарасиз

бўлгани, Нарғизанинг касалхонага ётқирилганидан хабарсиз қолганликларини баён этишди. Айна пайтда улар икки нафар болани узларига олиб тарбиялашга рози эканликларини ҳам билдиришди.

ИЗОХ: Мақолада бу важлар бошқача талқин этилади. Нарғиза онасидан яширинча дадасига сим қоқиб бетоблигини айтади. Касалхонада ётган пайтларида дадасини интизор бўлиб қутади. Ҳатто оғир жарроҳликдан сўнг ҳам зўрға тилга кирган қизча энг аввало дадасини сурайди. Ш. Соҳибназаровга онаси бир неча марта бетоб ётган қизидан хабар олиб келишини

Бизга жавоб берадилар

тайинлайди. Аммо бевош ва бағритош ўғил она насиҳатига қулоқ солмайдди. Демак, бу масалада ҳар икки томоннинг фикри турлича бўлиб, бир-бирини инкор этмоқда. Ким ҳақу ким ноҳақ-буниси ҳар кимнинг виждонига ҳавола. Энди жавоб хатининг давомини эшитинг.

— Мақолада милиция ходимининг исми-фамилияси ва хизмат жойи аниқ курсатилган. Лекин унда келтирилган маълумотлар газетанинг масъул ходими томонидан чуқур текширилмасдан туриб чоп этилишига йўл қўйилган. Шу боис Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти мазкур мақолани маълум маънода милиция ходимлари шаъни ва обрўйига путур етказиб, халқ орасида бу касб эгаларига нисбатан носоғлом фикр туғилишига сабаб бўлди, деб ҳисоблайди. Газета орқали ушбу ҳолат тафсилотларига ойдинлик киритилишини сураймиз.

Жавоб хатида Бухоро вилояти ИИБ ШТБХ бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги Б. Нарзиев имзоси остида қуйдаги маълумотнома ҳам ило-

ва қилинган.

— Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари ДАН бошқармаси раҳбарияти билан ҳамкорликда 1998 йил 13—14 декабр кунлари Н. Соҳибназарованинг уйи ва мактабида бўлишди...

Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан бу оилага 40 минг сум миқдорда моддий ёрдам берилди. Милиция ходими Ш. Соҳибназаровга болаларидан доимий равишда хабардор бўлиб, моддий ва маънавий ёрдам курсатиш ўқтирилди.

ИЗОХ: Аввало Бухоро вилояти ИИБ ва ШТБХ раҳбариятига газетамизда чоп этилган мақолага ўз вақтида муносабат билдириб жавоб хати йўллашгани учун миннатдорчилик билдирамиз. Тахририят номига билдирилган эътирозларига келсак, гап бундай: биринчидан, ушбу мақола тахририят томонидан тайёрланмаган. Уни муаллифнинг ўзи ёзиб юборган ва ҳеч қандай тахирисиз чоп этилган. «Оила ва жамият» газетасининг охириги саҳифасидаги қуйдаги эслатмага қўзингиз тушган бўлиши керак.

«Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин...» Шунинг учун Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан тахририятга нисбатан билдирилган эътирозлар ўринсиз, деб ҳисоблаймиз. Бу мақола ота меҳрига зор бўлган норасида бир қизнинг дил изҳори сифатида газетада чоп этилган эди. Зора, бағри тош ота уни ўқиб фарзандага меҳри тобланса, деган мақсадда ана шундай эзгу ниятли ишга қўл урилганди. Ҳар тугул меҳнатимиз зое кетмабди.

К. ТОШМИРЗАЕВ

Савоб

АЙПАНАЙ ЮРТДОШЛАРИМ...

Дунёдаги инсон борки тўрт мучаси соғ, димоғи чоғ бўлсин экан. Толибжон болаликнинг зумрад кунларидан бирида тасодифан жароҳатланганди. Олти йилдан буён азоб билан яқинда ун тўққиз ёшга ҳам тулди. Бу йигитнинг тахририятга йўллаган «Ҳимматпарвар юртдошларимдан мадад кутаман», дея наҳот сураган мактубини газетамизда эълон қилгандик. Янглишмаган эканмиз. Куни кеча тахририятимизга Навоий вилояти, Навоий шаҳридан Азиза-хон ва Ботиржон Ражабовлар қўнғироқ қилишди. Қуйдаги дил сўзларини Толибжонга етказишимизни сурашди:

— Толибжон! Муборак Рамазон ойининг қутлуг кунларидан сизга сабру тоқат тилаймиз. Насиб бўлса бирор кун Америкага бориб соғайиб ҳам келарсиз. Тушкунликка тушманг, ўзингизни қўлга олинг. Оиламиз билан сизга оз бўлса-да 10 минг сум ажратдик. Ҳарна мадад дедик-да, илоҳим соғайиб кетинг.

Азизлар! Шундай одамохун инсонлари бор элимиз билан фахрланмай бўлармикан? Қалбимиз гурури ифтихор билан ўзингдан айланай халқим дегимиз келди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Бундан роппа-роса ун беш ой олдин мен Маъмур исмли йигит билан телефонда тасодифан танишиб қолдим. У ҳарбий хизмат таътилида уйига дам олиш учун келганди. Бир-биримизни ёқтириб қолиб, урашиб юрдик. Унинг уйидагилар мен ҳақида билишарди, ҳатто расмий ҳам қуришганди. Меникилар эса бундан беҳабар эди. Орадан ун саккиз кун утиб у кетадиган бўлиб қолди. Уч ҳафта ичида бир-биримизга жуда-жуда урганиб қолган эканмиз, ишонасизми, иккимиз ҳам айрилиққа чидамай йиғладик. Мен унинг манзилини ёзиб олиб, тез-тез хат ёзишга ва интизорлик билан кутишга ваъда бердим. Унга эса сирдош дугонам ишхонасининг адресини бериб, шунга ёзса, менга хатларни дугонам етказиб туришини айтдим. У менга кечаси соат 2 да кўнғирок қилганди. Эрталаб 4.30 гача гаплашиб хайрлашдик. Чунки у соат 5.30 да йулда бўлиши керак эди. Хайрлашиб олдин менга: «Хат ёзинг. Мени кутиб туринг, илтимос. Мен келаман, кейин яна бирга бўламиз. Эсингиздан чиқмасин хат ёзиш, хўпми?» — деб роса ялинганди. Мен эса узини тутолмай йиғлардим. Одам ҳам бир-бирига оз муддатда шундай урганиб қоладими, деб хайрон бўламан. Буларнинг ҳаммасини туш деб ўйлардим. У кетди.

Мен етти ой ичида унга ойига 2-3 марталаб хат ёзардим. Ундан эса етти ой ичида ун битта хат олдим. Хатда расмларим бор. Мен ҳам унга расм, тумор ва туғилган кун билан табриклаб чиройли сувратлар юбордим. Уни шундай севардимки, хатларни ўқиб, расмига тикилиб туймасдим. Бу севги мени шеър ёзишга мажбур қилди. Чиройли шеърлар ёзиб, сарлаҳасига «Севгиминг» деб қўярдим. У эса у ёқда ҳали расмимни уртокларига кўрсатиб мақтанган, ҳали шеърларимни ўқиб хурсанд бўлган. Орада кўнғирок қилиб турди. Ишқилиб биздан бахтли инсон йўқ эди дунёда.

Ниҳоят, айрилигимиз тугаб, у баҳорда келди. Келди-ю, негадир ҳамма нарса тескарсига айланиб кетди. Кейин мен узим англамаган ҳолда нотўғри иш қилаётганимни тушундим. Сабаби, унинг икки акаси, икки синглиси ва бир ўқаси бор эди. Акалари ҳали уylanмаган, синглиси эса мен тен-

ги. Узининг ёши эса йигирмада. Шуларнинг ҳаммаси унинг олдини тўсиб турарди.

Энди узингиз ўйланг, менинг ёшим ун тўққизда бўлгани учун, ота-онам тезроқ тўй қилиш ниятида юришарди. Менда уша тўсиқлар йўқ. Тўғри, мен уни жуда севаман, лекин қайси юз билан ота-онамга «Йўқ, мен ҳеч кимга тегмайман, фақат шунини хоҳлайман», — деб айта оламан. Отамнинг уз қонуни бор: «Қариндошга қиз берса, қариндошлик йўқолмайди...» Онанинг қонуни эса «Севги йўқ нарса. Севаман де-

Ишхонамга бир келиб кетарди-да, бир ойлаб йўқ бўлиб кетарди. На кўнғирок қиларди ва на келарди. Сувга чўккан тошдек. Бир кунни санасам, гаплашган кунимиздан 40 кун ўтган телефон қилди. Уйда совчилар бор, юрагим сиқилиб утиргандим. Менинг келажагим ҳал бўлмақда эди. Бирданига кўнғирок бўлди. Дастакни кутарсам, унинг мен учун қадрдон бўлган овози «алло» деди. Хурсанд бўлиб кетдим. У эса гапни нимадан бошлади, биласизми? «Одамсиз ўзи, нимасиз?», дан бошлади. Бу гапни эшитиб

Дил изҳори

сизни. Агар мен сизга турмушга чиқсам, бутун умр шунақа бир-биримизни тушунмай ўтамиз. Қўйинг, агар шунақа бўладиган бўлса танишчилигимизни йиғиштириб қўяқолайлик», — деб айтдим. У яна нимагадир дейётганди, мен «хайр» деб дастакни қўйдим. Бутун танамни титроқ босиб ўзимга кела олмадим. Ҳеч қайси тарафдан бир-биримизга тўғри келмаётганлигимизни тушуниш мен учун оғир эди. Душанба кунки кечқурун ишдан қайта-тиб уни бекатда мени кутиб утирганини, қуриб қолдим. Мени кўрмасин, деб орқа тарафдан айланиб кетдим. Шундан кейин яна бир неча марта телефон қилди, гаплашмадим, ишхонамга келди, ёнига чиқмадим. Кўнғил боғимда униб чиққан севги гуллари узи пайхон қилди, ўзи топтаб ташлади. Дилим нозиклигини билиб туриб қилди шу ишни. Чўқур ўйлаб қуриб, бу ишни жуда тўғри қилганимни ҳис этдим. Чунки билардим — бирга бўлмаслигимизни. Барбиров шундай айрилишимиз керак эди. Ўғил ўйлаб, қиз узатиш осон эмас ҳозирда. Мен кўпроқ ўзини эмас, унинг ота-онасини ўйлаб қилдим шу ишни. Ахир узингиз ўйлаб қуриб, беш хонали квартирада ота-она, уч ака-ука, уч келин, икки сингил ва бир ўка туриш ўзбекчиликка тўғри келадими? Ҳеч қайси тарафдан тўғри келмайди. Катта ҳовли бўлгандайим билинмасди. Аллоҳ шохид, мен уни ҳали ҳам, олдингидек бўлмасам-да, лекин севаман. Агар шу тўсиқлар бўлмаганида, уни кутиш учун кўп вақт кетмаганида, мен унга умр йўлдоши бўлишга сузсиз рози бўлардим. Биламан, унга қийин бўлди, лекин билиб туриб унинг менга уйланмаслигини, у билан севиб юрсак-да, бир кун фотиҳам бўлиб, унга «туйим бўляпти» десам, унда бунданам оғир бўларди. Шунинг учун иккимизга қийин бўлса ҳам орани очик қилиб олганим, мени уйлашимда тўғри. Чунки биз учун айрилиқдан ўзга чора йўқ. Шундай деб ўз-ўзимни овутган бўламан-у, лекин барибир ҳар кунни кутаман кўнғирок қилишини ёки келишини. Турмуш қурганимдан кейин бу ҳис-туйғудан фориғ бўлармиканман, уни унутармиканман? Ёки бир умр юрагим уртаниб яшармиканман?

ДИЛНОЗА,
Тошкент

АЙРИЛИШИМИЗ АНИҚ ЭНДИ...

са ишонма... Нима қилай, ахир тушунтирилмасам отамга — қариндошга қиз бериш ёки қиз олиш медицина тарафдан умуман қораланганлигини. Онамга кўп йигитлар ошқиб бўлган экан. Лекин ушаларнинг бирини севмаганига онам ўзи айбдорлигини қайси тил-забон билан айтаман. Мени Маъмурга шуларни айтиб, шартта ажралиб кетишимизга севгимиз йўл қўймасди. Дугонам менга: «Юравер, агар яхшийдан совчи келса, тегиб кетарсан, нима ҳам қиларди, қуникади», — деб «маслаҳат» берди. Дайди қиз бўлсам экан, шундай қилсам. Йўқ, кўнглини оғритишдан қўққим. Мен ку кўнглини оғритмадим, лекин у кун сайин кўнглининг нозик торларини қўпол равишда бирма-бир чиртиллатиб ўзарди. Биласизми, нима қилди? Мен юрагимнинг қайноқ ҳароратини тукиб ёзган хатларимни ёқиб юборибди. Синглиси ўқиган экан, шунга. Меҳр билан иккимизнинг исми-шарифини ёзиб, гуллар чизиб дастурломча тиккан эдим, шунини йўқотиб қўйибди. Нима учундир расмимни қирқиб ташлабди. Уйига кимдир телефон қилиб уйнаган экан. Синглиларга эса мен деб ўйлаб роса бизникига кўнғирок қилиб овора қилишди. Ахир у биларди-ку, мен бекордан-бекорга кўнғирок қилмаслигимни. Нега синглиларига «у эмас», деб айтмади.

иситмам чиқиб кетди. Юқорида айтиб ўтган нарсаларни қилганида ҳам чидаб, ичимга ютиб, кечирган эдим. Севгимиз ҳақи-хурмати чидаб келдим. Сабр қосам тўлди. Етар. Тўйдим ҳаммасидан. Шунчалик кўнғил совчи кетгани учун ўзи айбдор. Бақириб юбордим. «Нега ундай дейсиз», десам у менга, — «Ишхонангизга борсам йўқ экансиз, кейин уйингизга бориб, балкони-гиз тагида хўштак чалиб қақирдим, қарамадингиз», — деди. Мен унга, биринчидан шанба кунни ишламаймиз. Иккинчидан, пастдан келатган хўштак овозига қарамайман, дедим. Йўқ, тушунишни истамади. Худди шу пайт совчилар мени қуришмоқчи бўлиб, акамдан чақиртиришди. У «ким чақиряпти», деб сураганда тўғриси-ни айтдим. Жаҳлим чиқиб кетди. «Менга турмушга чиқинг десам, йўқ дейсиз. Қайқадаги бегонадан келибди-да», — деб ҳафа бўлди. Рост, қиз бола бошим билан менга совчи юборинг, дейишга уялгандим. Энди айтим: «Сизнинг ҳам кўнғилгиздан келса юборинг. Қўнғилгиздан келмайди, чунки у ёки тўрт йилдан кейин уйланасиз. Мен сизни уша пайтача қутолмайман-ку. Хўп, мен кутган тақдирда ҳам, ота-онам кутмайди», дедим. Охири дилимдаги тилимга чиқиб кетди: «Келинг, яхшии бўтунлай хайрлашиб қўяқолайлик, барибир сиз мени тушунмаясиз, мен

БИРГАЛАШИБ КУРАШАЙЛИК

Мен газетамга обуна бўлмасам-да, ҳар сонини қиосқадан сотиб оламан. Агар ишонсангиз, ҳамма сонларини йиғиб 4-5 ойда уйга олиб бораман. Чунки менинг яқинларимга ҳар хил совға-саломдан ҳам кўра мана шу газета афзалроқ. Қиосқаси бир йилда 3-4 марта почтачилик ҳам қиламан, чунки бизнинг оиламиз Навоий вилояти, Нурота туманининг чекка бир қишлоғида яшашиди. Мен Тошкентда 5 йил ўқидим, ҳозирда ишлаяпман ва почтачиликни ҳам ташлаганим йўқ.

Газетанинг 42 — сониди ТошДУ талабаси Олим Эрнazarовнинг «Морена Клара — туғишган синглим» номли мақоласи чиқди. Олимжон кўпчилигини қилдидаги гапни ёзган. Бизга бунақа кинолар керак эмас. Мен яқинда «Панорама» кинотеатрида ёзувчи Тоғай Мурод асари асосида яратилган «Отандан қолган далалар» фильминини кўрдим. 2-қисмда чўқур мушоҳадали, фикрлашга ундайдиган ҳақиқий фильм. Билсангиз, ўзбек халқининг тарихини кўрсатиб берган. Бу кинони кўзимда ёш билан кўрдим. Лекин айрим санъатнинг маъноси-

га тушунмайдиган, фикр юрита олмайдиган, асосан ёшлар — мактаб ўқувчилари қиқирлашиб қулиб утиришибди.

Менинг демокчи бўлганларим мана шунақа халқимизнинг тарихини намойиш этадиган фильмлар кўпроқ чиқарилса, қўйилса, фақат кинозалларда эмас, балки телевизорлар орқали берилса, мактабларда қўйилса, шу билан бирга ўқувчиларга унинг мазмуни, маъносини тушунтирилиб берилса, нур устига аъло нур бўларди. Кейин телевизорларда бизнинг ўзбекона маънавиятимизга, маданиятимизга тўғри келмайдиган видеофильмлар кўрсатилмасе. Наҳотки, мана шулар учун ҳам махсус фармон чиқариш керак. Бунақа фильмлар кўпчилигимизнинг дилимизни хира қилаётганини сир эмас-ку, ахир. Лекин индамай юраверамиз.

Келинлар, аязлар! Бизнинг маданиятимиз, маънавиятимизга зид бўлган ана шундай ҳолатларда қўл қовуштириб қараб утирмайлик-да, биргалашиб курашайлик.

Шарофиддин МАННОБОВ,
Тошкент шахри, Ҳамза тумани

АЖОЙИБ-ГАРОЙИБ ҚИММАТГА ТУШГАН КЎЗ ҚИСИШ

Ўтган йили май ойи эди. Уйга кетиш учун «Тошкент — Денов» поездига билет олдим. «Оила ва жамият» газетасини ҳам харид қилдим. Кейин автобусга чиқдим. Автобусдаги одамларга бирма-бир кўз ташладим. Мендан сал нарироқда бир чиройли қиз турган экан. Унга тикилиб турган эдим, кўзини дераза томонга олиб қочди. Мен ҳам қарамасанг, қарама дедим-да, автобуснинг ойнасига қараб қизни зийдан кузата бошладим. Ҳа, ҳа, адашганим йўқ, энди ўша чиройли қиз менга тикилиб турарди. Мен у қизга қараб бир кўз қисиб қўйдим. Во, ажабо, бирон лаҳза ўтар-ўтмас, ҳалиги қиз хушидан кетиб менинг оёғим остига йиқилиб қолди. Автобусдаги одамлар ҳайратдан қотиб қолишди, шу жумладан мен ҳам. Шунда бир аёл: «Йигитлар, нима қилиб турибсизлар, кутармaysизлар-ми?» — деди. Дарҳол ўзимга келдим. Кейин икки кишилашиб кутариб ўриндиққа ўтиргиздик. Мен қўлимдаги газета билан шамол бердим. Кондуктор бориб ҳайдовчининг олдида сув олиб келиб, қизнинг юзига сепди. Қиз хушига келди ва йиғлаб бошлади. Нима сабабдан эканлигини билмадим (балки шунақа одамнинг олдида хушидан кетгани учундир). Шу шу бўлди-ю, қизларга кўз қисиб ҳам қўқиб қолдим.

Шерзод ҲОЛИҚОВ

Тахририятдан: азиз газетхон, сизнинг ҳам ҳаётингизда ишонса ҳам бўладиган ва ёки ишониб ҳам қийин бўлган воқеа-ҳодисалар юз берганими? Юз берган бўлса, бизга ёзиб юборинг.

Уйлаймиз-ки, сизнинг кўмагингизда «Ажойиб-гаройиб» руқни остида қизикдан-қизик воқеалар ёритиб борилади.

БАҲОРИЙ ҚУВОНЧ ЙЎЛДОШИНГИЗ БЎЛСИН!



Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб улуғ зот ҳам Онадир.

И. КАРИМОВ.

ТИНЧ ВА ФАРОВОН
ҲАЁТ ТИЛАЙМИЗ


«Оила ва жамият» газетхоналари баҳор байрами — 8 март билан чин дилдан табриклайман. Аёллар йилининг шарофати билан бу йил баҳор бир ой эрта келди. Гуллаб яшнаётган Ватанимиз куёш нури билан бирга муҳтарама она-

хонларимиз, ажойиб опа-сингилларимиз ва барча аёлларимизнинг ҳароратли меҳридан ҳам баҳраманд бўлиб табиатни барвақт уйғотди.

Баҳорни орқага қайтариб бўлмаганидек, бизни ҳеч қандай тажовузкор кучлар истиқлол йулидан чалғитолмайди. Халқимиз йўлбошчиси раҳбарлигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида янгилаш ва юксалиш жараёнлари давом этиши учун ҳар биримиз барча имкониятларни ишга солаемиз.

Эзгу мақсадлар йўлида бутун жамиятимизга ва барча оилаларга янги зафарлар, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Пиримкул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Президентимиз бу йили «Аёллар» йили деб эълон қилганида уларни кўз ёшлари туқилмасин деб уйлаган эди. Афсуски ўз ватанини, ота-онасини билмаганлар беғуноҳ одамларни қурбон қилиб, аёлларимиз кўз ёшларини туқишга мажбур қилди. Лекин она қарғиши, эл-юрт қарғиши уларни тинч қўймайди.

Мен бу гапларни гарчи тантана кунлари бўлса

ҲАЁТИМИЗ ЧИРОҒИСИЗ

ҳам, юрагимдаги доғ ўртаги турганидан айтдим. Қураш ҳеч қачон тўхтамаганидай, мен юқорида баён этган, ёрқинлик истаб халқимиз ичидан чиққан истеъдодлар юрт тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшаверади.

Бу йилги мустақиллигимизни нишонлаш кунидagi катта тантана Юлдуз Усмонованинг эл-юртимиз ҳақидаги (агар мадҳия деб аташ мумкин бўлса шундай деб атардим) айтган қўшиғи қалбларимизнинг нозик торларини чертиб юборди. Ўша кун.


Кечагина опера балет театрида италиялик санъаткорлар айтган қўшиққа жур бўлган Муяссар Раззоқова истеъдодига меҳмонлар қойил қолишганини яши-

ришмади. Улар «Муяссарнинг муъжиза овозини дунёга кўз-кўз қилса арзийди», — деган таклифни билдиришди.

Ҳамза театрида шунча йил ишлаб, ҳозиргидек истеъдодли актрисалар йиғилганини билмайман. Сайёра Юнусовани ҳам театрдa, ҳам оилада тутган ўрни ҳавас қиларли. У саҳнада буюклар сиймосини яратса, ҳаётда оддий аёл, она.

Мен барча аёлларимизга Оллоҳдан бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик сўрайман. Санъаткор аёлларимизга эса парвоз тилайман.

Зикир
МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон халқ
артисти.



Мен бутун аёлларини камситмаган ҳолда Ўзбек аёлларига тасаннолар айтмоқчиман, таъзим қилмоқчиман. Чунки улар туғилганларидан умрларининг охиригача гузаллик яратади. Улар гузаллик билан туғилиб, ундан айро яшолмайди. Бир сафар Франциядан меҳмонлар келишди. Шунда далада тутларнинг соясида тўп-тўп бўлиб кашта тикиб ўтирган аёлларни қўриб, булар ким, нима қилишяпти? — деб сўра-

ОЛАМ ГЎЗАЛЛИГИ
СИЗ БИЛАН...

ган эди. Шунда биз тушунтириб:

— Булар пахта териб чарчаб, дам олгани чиқишгач, умид билан катта қилаётган қизларига, бўлажак кўёвларига атаб белбоғ, турли безакли чойшаблар, сўзаналар тиқишади. Ёки янги меҳмон кутишгаётган бўлса, унинг бешигига чиройли ёпқичлар тиқишади...

Французлар улар яратган чорсиларни, ундаги нозик нақшларни қўриб, ўзбек аёлларининг ижодкорлигига, гузаллик яратишга бўлган эҳтиросларига юксак баҳо берган эди.

Она шундай заҳматкаш инсонки, у фарзандларини гудаклик чоғидан ўзи яратган гузаллик билан улғайтиради. Бола бешигига уйғоқ ҳолда ётар экан, бешик шокилаларини, ёпқичдаги безакли нозик нақшларни ўзоқ-ўзоқ томоша қилади. Булар унинг қалб-қалбига сингиди.

Бугунги кунда жуда кўп умидли рассом аёллар ижод қилишмоқда. Шаҳноза Муминова, Шоира Қўзиева, Фазилат Сайидалиева, Азиза Маматова, Гулнора Раҳмон, Шаҳноза Абдуллаева...

Аёлларимизни 8-Март байрами билан табриклар эканман, гузаллик туйғуси ҳеч қачон уларни тарк этмасин, дейман.

Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Бадий Академияси раиси

БАҲОРИНГИЗ
МУБОРАК, ОНАЖОН!

Ёшимиз улғайғач оқу қорани таниб, турмушнинг турли қийинчиликларига дуч келганимизда ота-оналикдек ма-

шақатли касбнинг заҳматларини шундагина тушунаемиз. Уйқусиз тунларда онамизнинг бешикни қучоқлаб бедор тонг оттирганлари-ю, сал бетоблан-сак ўзларини қўярга жой топмай дунё кўзларига тор қўринган кўз олдимиждан утаверадим.

Жон-жонимизга пайваста-ю, умри-умримизга жон қадар сингиб яшайтган муҳтарам волидамиз Ўғилдай Рустамова биз

8 фарзандни вояга етказдилар. Ҳозир 35 невага, 14 чевара ардоғида. Яна баҳорга, яшилликка етган кунлардаги таваллудингиз муборак бўлсин, онажон! Илоҳим умрингиз ўзоқ бўлиб, баҳорни ҳар гал хонадонимиз турида қўтиб олинг!

Рустам ОТАМУРОВОВ,
Сирдарё вилояти,
Ховос қўрғони

АДОЛАТ ТАНТАНА
ҚИЛСИН

Тамара ТИЛЛАЕВА:
Тошкент шаҳар М.
Улуғбек тумани халқ
судининг раиси, ҳуқуқ-
шунсолик фанлари
номзоди:

— Ҳадича Сулаймонова,

Мамлакат Восикова, Ҳошияхон Муҳиддинова сингари ҳуқуқшунос олималаримизнинг фаолиятига ёшлигимдан ҳавасим келарди. Адолатпарвар аёлларимизнинг ҳаёт йўлини, тажрибаларини ўрганишга интилардим.

Ҳуқуқшунос аёлнинг маънавияти гузал бўлиши керак. Судья аёлларнинг, бир қўлида фарзандларию оиласи, иккинчи қўлида бўлса «Адолат» тарозуси бўлади.

Чунки аёл — судьялар судья аёллар инсон тақдирларини ҳал этадилар. Эҳтимол купчилик учун бу иш қўнғилли эмасу, лекин ҳар ҳолда юртимизга унинг устувор қонунларини ҳимоя этиш учун ҳуқуқшунослар зарур. Мустақил юртимизда тинчлик барқарор бўлишини, осмонимиз беғубор, ҳамюртларимизга бахт-саодат ёр бўлишини истардим.

ЗУЛФИЯ БУГУНИНГГА МЕН БЎЛАЙ ҲОКИМ

Ховли тўла баҳор,
Кўк тўла баҳор,
Нафис баҳор ҳиссин чулдирар қушлар.
Ҳали очилмаган гулларда ифор
Қиш қировин қувиб дилларни хушлар
Ва биз бир сулола айвонимизда,
Нур, қувонч, хотира неъматига ром.
Эвара гувранар кучогимизда,
Ҳордиқ қунигимизга бағишлаб ором.
Бир чоқ бўвим айтган куйни такрорлаб,
Мен гўдакка секин айтаман алла.
Менга мунчоқ кўзлар боқади бодраб,
Ўғлимни-чи, уйку қучган бу палла.
Хордимми?
Элитди ё нафис кўклам,
Илк насим этаклаб сочиб юрган нур...
Наҳот ором бўлди боламга аллам
Чарчоқларин тортиб бахш этди ҳузур.
Қўлидан сирғилган газет, ойнагин
Баландроқ тоқчага қўйай авайлаб,
Чойи совимасин, ўрай чойнагин,
Айтай алла ичра аллалар сайлаб.
Ухла, бугунингга мен бўлай ҳоким,
Кунни тунга улай гар сенга даркор.
Ва тепангда эзгу тилаклар айтгум,
Шундай ёнгинамда тўйиб ухлаб ол.
Қатор телефонларнинг узайин симин,
Йўқлаганга қандай «уйда йўқ» дегум?
Ақл билан ўлчаб йилларнинг вазнин
Элига кифт тутар инсон еткурдим.
Қандай қулай бўлса шундай ётавер,
Шўбқин, овозларни кетга қайтарай.
Сим-сиёҳ қош, киприк,
Сочинг оқларин
Бармоқлармас, бахтли нигоҳ-ла тарай.
Хизматинг, бурчларинг, ҳис, туйғуларинг
Қўламин англашим бағишлар сурур.
Елкамга ололмам ақал заррасин,
Қодирман суюниб тилашга умр!

ЭЙ, АЗИЗ МОМОЛАР...

(шеърӣй лаҳза)

Пайғамбар насаби сиёҳ номингиз
Кунлар шод, ношодлик диддам устида.
Баланд қад, нур ичра шому тонгингиз
Мана яшнаб турар Турон қўқсида.
Жаҳон шеърятин дарёсин кечиб,
Биз дурлар топмадик Сизлардан афзал.
Кўнгли майингиздан лаббоблаб ичиб,
Мастана гурурла тўқиймиш газал.
Қўлингиздан тушган сеҳрли қалам
Билан дил кўзимиз очаетирмиз.
Асрлар таҳида қатлам ва қатлам
Соҳиқ гавҳарларни топаётирмиз...
Шогирд тушдик деймиз, лекин не қўшдик
Сизларнинг шеърят жовонингизга?
Унинг ҳар жилосин дилларда тутдик,
Авлодни пайвандлаб пок номингизга.

— Хулқар опа, аввало кискача ўзингиз ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Адабиётни муқаддас деб билган муҳитда дунёга келиб, ўсиб яшадим. Бу менинг бахтим. Дадам, аям, ёшликда бўвимиз Комила она сеҳрар суз оламига олиб киришди. Касб танлаганамда адабиётга қизиқиш устунроқ келди, шекилли, Москва, Тошкент дорилфунунларининг филология факультетларида тахсил олдим, «адабиётшунос, адабиёт ўқитувчиси» деган мутахассислик бўйича диплом беришди. Мана, деярли 40 йил шу севган соҳамда адабиётга бўлган муҳаббатимни улашиб келдим. Менинг асосий ишим ўқитувчилик. Уни маъсулиятли ва шарафли деб билардим. Ҳозир ҳам турли жойларда бизда ўқиб кетган талабаларни учратганимда, «Сиз бизга дарс бергансиз» деган гапларидан ўзимни бахтиёр сезаман. «Дарахт бир жойда кўкаради», деганлари рост экан, 35 йил ТошДўнинг филология факультетида хизмат қилдим. Умр йўлдошим Омонбек

Тошмуҳаммедов — тарихчи олим. Дорилфунунда ўқитувчи, уч қизим, ўғлим, невараларим бор. Уларнинг бахти, шодликлари, ютуқлари — менинг бойлигим.

— Аёلسиз, онасиз, бувихонсиз. Онангиз — Ўзбекистоннинг улкан шоираси Зулфия ҳақида бу кун хаёлингиздан нималар кечаяпти?

— Болалигимизда дадам, аям бизларга кичик-кичик шеърлар ёзиб берардилар, бизлар ўқишни билмасак ҳам, уларни ёд олиб такрорлаб юрардик. Мана ушанга ҳам ярим асрдан ошибди... Мен ҳам, укам Омон ҳам ёшимиз улғайиб, ота-она, буви-бобо бўлдик. Худога шукрлар бўлсинки, фарзанд, неваралар билан бағримиз бутун.

Онангиз айтганларидек, ота бўлиб йўлга солдилар, она бўлиб бағриларига босдилар, ҳаётга лойиқ ниҳол экиб, ота номига муносиб фарзанд устиришга ҳаракат қилдилар. Бир аёл учун бу жуда масъулиятли иш! Лекин ижодда ўз йўлини топиб, ирмогини оқизиш, жамиятда урнини топиб хизмат қилиш — бу аямиз учун

зарурат ва жасорат эди.

Биз доимо отамиз, онамиз ёди билан яшаймиз. Лекин баҳорнинг илк кунларида, аям таваллуд топган кун арафасида улар ҳақида айрича фикрлар, кечинмалар ўтади дилимдан. «Жонбағридан узиб» бизга берган ҳаёт учун, усганимиз мухит, тарбия учун, хонадонимизда ҳукм сурган рух ҳаёт йўлимизни топишда бизга мадад, суяниқ бўлганлари учун миннатдорлик туйғуси... Шу билан бирга қарздорлик ҳисси тинчлик бермайди. Тўғри, биз аямизни ардоқлар эдик, ранжитмасдик, оғирини енгил қилишга интилардик. Лекин ҳамиша ҳам бунинг уddасидан чиқолдикми? Мана, ҳозир мен ўзимни аямиз ва шеърят олдида жуда қарздор ҳис қиламан. Аямнинг ижодхоналарида ёзув столида талайгина нашр этилмаган асарлар қўлёзмаси қолган, уларни оққа кучириб китобхонага етказиш керак...
— Ўзбек аёли, онаси бўлганингиздан фахрланасизми?

— Фахрланмай бўладими? Ўзбек аёли ҳақида ёзилган мисраларни биров тўплаганми? Ҳаётни аёلسиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, шеърят ҳам аёلسиз бўлмайди.

Аёл ўзининг энг муқаддас бурчини оилада деб билган, фарзандлар камоли, демак келажак, ҳаётнинг давомининг зиммасида. Ватанимизда аёлга алоҳида эҳтиром билан ёндошилаётганини, «1999 йил — аёллар йили» деб аталганида ҳам қуриш мумкин. Биз учун эса катта масъулият... Аёл бахти! Ўзбек аёлини, мард, хур, озод аёлни қуйламоқни аямиз ўзларига саодат деб билганлар. Мен ўзбек аёлининг бахти, қувончлари мўроқ, таъвишлари камроқ, ҳаёти борган сари енгилроқ, ундан шеърятга, гузалликка мойиллик кўпроқ бўлишини истардим.

— «Ўрик гуллаганда» қалбингизда қандай ўйлар кечади?

— Саволингиз яқинлашиб келаятган баҳор ҳавосини олиб келди уйимга. «Шоир севган тўпроқ қўқсида хушбўй баҳор кезиб юради», деб ёзганлар аямиз бир шеърларида. Гуллаган ўрик новдаси Ҳамид Олимжон шеърятининг рамзига айланиб қолди. Баҳор, гу-

заллик, нафосат, ёшлик куйчиси бўлиб, кириб келди Ҳамид Олимжон адабиётга. Ижодхона деразаси олдида ўрик ҳар йили гуллайди, лекин бир йили алоҳида илҳом беради. «Новдаларни бебаб гўнчалар, тонгда айтди ҳаёт отини...» Мен ҳам бир кун тонгда ҳовлимизда ёки кучада гуллаган ўрикка кўзим тушганда, азиз сатрларни такрорлаб юраман! Гуллаган ўрик аямиз шеърятда соғинч ва вафоромзига айланди. «Баҳор келди, сени суроқлаб...», «Ўрик гуллар», «Демак, баҳор келди» каби шеърлари ўрик гуллаган баҳорнинг илк кунларида тугилган.

Қадрли шоирларимиз Асқад Мухтор, Абдулла Орипов ҳам Ҳамид Олимжонни ўрик гуллаган пайтда эслаб қўларига қалам олишган.

А. Орипов ёзади бир баҳорда:

**Ўрик гуллаганмиш
кечаги тонгда,
Баҳор муждаси
бу, яйрагин, эй, жон.
Йиллар ўтар экан,
бугунги кунда,
Етмишга тўлибсиз,
устоз Олимжон!**

Яна Зулфия аямиз сатрларига қайтараман сизни:

**Не-не янги
авлодлар келар,
Умр боқий ҳаёт йўлида,
Ўшанда ҳам
ўриклар гуллар,
Сен бўласан диллар
тўрида.**

Мен эса ҳар баҳорда «Ўрик гулларининг мафтун» бўлган отамиз ва онамизни эслаб, уларнинг таниш сатрларини такрорлаб, гуллаган ўрик навдасини аста синдириб, хонага олиб кириб, унинг нашидасида неча кун юраман...

— Зулфия опанинг бу кунги шаъни, адабиётимиз ва маданиятимиздаги қадри ҳақида нима дея оласиз?

— Нима дея олардим? Менимча, бу саволингизга жавобни халқимиз меҳридан ва ўзларининг шеърларида

излаш керак. 1995 йил баҳорида аям 80 ёшга тулганларида ҳурматли юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримов юборган табрикларида юксак баҳо берилган: «Сиз замонамизнинг забардаст шоираси ва жамоат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг жарангдор овози бўлдингиз, деб айтсак, асло муболага бўлмайди. Жаҳон минбарларида янграган шеърларингиз — Шарқ аёлининг ақлу зақоси, фазл камолининг ноёб нишонасидир...»

Сиз Гулбаданбегим, Зебунисо, Увайсий, Нодирабегим каби Шарқнинг буюк, фозила аёллари бошлаган анъаналарни бойитиб, янги поғонага кўтардингиз. Меҳрибон ва талабчан устоз Зулфияхонимнинг маҳорат мактабидан кўплаб ёш истеъодлар баҳраманд бўлдилар... Бундай самимий табриклар ва ҳурмат учун ташаккур «Халқимга айтар сузларим» номли шеърда ифода этилади.

**Эъзозлар, ардоғлар
учун ташаккур,
Асли сиз офтобим,
мен зиёнғизман,
Тонглариңгиз кулсин,
дорилмон, хур,
Бахтим шул —
Ўзбекинғ Зулфиясиман!**
Сизнинг саволингизга жавобни мен Абдулла Орипов эътирофида ҳам кураман:

**Қоронғу тунларда
оловли сўзни
Кимки машъал тугса,
толеъ тунга ёр.
«Бахтли аёлман», деб
айтибсиз ўзни,
Сиздай шоир бор
халқ ҳам бахтиёр!**
Саволингиз мени шундай туйғулар оғушига олиб кирди...
— Суҳбатингиз учун раҳмат!

**Суҳбатдош
Мухтор БЕК
Суратда: шоира Зулфия
қизи Хулқар
Олимжон била**



СИЗГА АЙТАР ГАПЛАРИМ КЎП...

«ТУРМУШИМДАН РОЗИМАН, АММО»... -5 сон

— Ҳа, Шарифахон синглим, бировнинг фарзандини фарзанд қилиб боқиш учун, бировнинг эрини эр қилиб яшаш учун анчагина сабр-тоқат керак. Бунини мен ҳам жуда яхши биламан. Сизни дил из-ҳорингизни худдики ўзимнинг дилимдаги сўзларни ўқийтгандай ўқидим. Мен ҳам худди сиздай 20 ёшимда уйдагилар розилиги билан 10 йил бирга ўқиган синфдошимга турмушга чиққан эдим. Шу ерда севги ҳақида айрим ёшлар учун ибрат бўларли фикр билдирсам.

Камида ун йил орқамдан юриб ўлдим, куйдим деб уйланган биринчи эрим яъни синфдошим 4 йил деганда фарзандсизлик сабабли мендан ажралишга осонгина рози бўлди. Қани унинг йигитлик ваъдалари, қани унинг гурури, қани севгиси, қани унинг вафоси, қани унинг мени уйлаганда ёнаётган юраги, қани унинг мени бошқа йигитлар (улар ҳам синфдошларим эди) олмоқчи бўлганда уларга қаршилиқ қилган йигитлик ори? Шуларни уйласам, айрим йигитларимиз орсиз, гурурсиз, эканликларига яна бир карра амин бўламан. Чунки осонгина ажралишга рози бўлди ва уч ойда бошқасига уйланиб олди. Уйланганига куймайман. Чунки менинг ўзим яшаётганимизга уч йил бўлганда қайнонамга, «Она, ўғлингизга сиз айтинг, ажралишайлик, ахир ёлғиз ўғлингиз. Сиз қариб қолдингиз, сиздан кейин қурган фарзандларимиз бизга ҳам армон бўлади, (қайнонам 77 ёшда эдилар) неваря кўрмай кетдилар деб», — деган гапни айтгандим. Мен фақат қайнонамга ачинар эдим. Камбағал оилага келин бўлган эдим. Уларни камбағал дейишмига сабаб, уша пайтларда уйларида на телевизор, на радио, на газ йўқ эди. Керагаз ёқиб кампир кунини кўраётган эди. Уйлари эса бир бостирмада эди. Лекин бундан норози бўлиб яшамадим. 4 йил сиз оғзимиз сенга бормади. Фақат бир мартагина ажрашмиз сўзига тезда рози бўлгани учун «севги» йўқ нарса экан, дейман холос.

Энди менинг кейинги ҳаётимдан сўрасангиз. Мен ҳам онамникида икки йил ўтирдим (отам вафот этганлар) Худога шукр, ака-укаларим кўп. Биз 7 фарзандимиз—5 ўғил 2 қиз, ўзим олий маълумотли иқтисодчиман. Уша пайтда туман марказидаги «Сельхозтехника»да ёрдамчи иқтисодчи эдим, кейин мени «Гигант» колхозы МТСига бош иқтисодчи-

лик вазифасига таклиф қилишди. Шу ерда 5-фарзандли бир инженер йигитнинг аёли вафот этган экан. Кўпчилик орага тушгандан кейин биз учрашдик. Мен ҳам сиздай биринчи учрашувдаёқ, «Мен сиз учун эмас, фарзандларингиз учун сизга тегишга розилик берайман, янги учрашувга ҳеч бўлмаса иккита фарзандингиз билан келинг», дедим. Улар янаги сафар 8 ёшли катта қизларини ҳамда 6 ёшли катта ўғилларини олиб келишди, не куз билан қўрайки қизлари II-гуруҳ ногирони эди. Бизни машинада Маргилон шаҳрига олиб бориб уйлаштириб келишди. Ушанда худди сизни қизингиздек, қизлари «ойижон» деб, ёпишиб қолган эди. Қайтиб келишда эса ўғиллари тизамда ухлаб қолди. Уйга етиб келиб уйғонадики мен йўқман, аямни топиб беринглар, деб роса тўполон қилибди. Кейин кечкурун ота-бола бизникига телефон қилишди. Телефонда «Ойи қаерда қолдингиз», — деган овоз юрагимни қандай ларзага солганини сизга таърифлаб беролмайман. Шунда «Мени кўчага ташлаб кетдиларинг-ку қўқиб турибман десам», — «Ойижон, қўқмай туринг, ҳозир дадам билан бориб сизни уйга олиб келамиз», — деган эди. Уша ўғлимни уйладим. Ўзимнинг ҳам бир ёш ўғлим бор. Севган қизини олиб бердик. Кичик қизларидан бирини турмушга бердим. Ушанда 5 ёшда эди. 3 ёшли қизлари ҳозир тарбиячи касбини эгаллашган. Бешикада қолган ўғиллари эса ҳозир армияга кетиш тараддуида. Мен ҳам буларни орқасидан бир қизли бўлдим. Қизим 15 ёшда. Ҳа айтганча, Шарифахон, мен сизга бир сир айтмай, мен уч хотиннинг фарзандларини бириктириб бир-бирига меҳрибон қилиб тарбияламоқдаман. Чунки вафот этган аёл эримнинг иккинчи хотинлари бўлган. Биринчи уйланишларида бир қизни қўрсатиб, бошқасини олиб келиб беришган. Шундай бўлса ҳам у билан бир йил яшаган. Охири вижодан азобида қийналиб ажралишган. Ундан бир ўғиллари бор экан. Ушанда у 12 ёшда эди. У ҳам бизникига келиб кетиб юрган вақтида акамнинг қизларини куз тагига олиб юрар

экан. Армиядан келгандан кейин дадаси туй қилиб, акамнинг қизини олиб беришди. Кундошим уйда яшашади. Ҳозир уларнинг икки фарзанди бор — бир ўғил, бир қиз. Биринчи кундошимнинг ўғли бўлишга қарамай, бирам меҳрибон, бирам меҳрибонки, асти қўяверасиз. Тез-тез жиямин билан келиб туришади. Қизларим бориб болаларини олиб келиб қарашади. Бошқа туманда яшаганига қарамай, борди-келди узилмайди.

Шарифахон, ўз ҳикоям билан бўлиб сизга айтадиган гапларим қилиб кетди. Синглим, эрингизни ичига сиқилманг. Агар эрингиз ақлли йигитлардан бўлса бир кун ичкиликни ҳам ташлар. Сиз ўз асабларингизни сақланг, қолаверса, ҳомиладор экансиз. Эсон-омон кутулиб олинг, илоҳим. Болангизни соғсаломат бағрингизга босиб дўст-душманлар олдида кутариб юринг. Ҳозирги майда-чуйда, иқир-чиқирларни ҳеч машаққат деманг. Ҳали фарзандларингиз катта бўлишса гам-ташвишлар ҳам каттарари. Чунки қизларни чиқариб, ўғилларни уйлай дейсиз, қандайдир кунглини олай дейсиз, чиққан қизларингизни кунглига қарай дейсиз. Ушанда ҳам сизга бардош-сабр керак бўлади. Сизни турмуш уртоғингиз узини уйламай, фарзандларини келажакни уйлаб иш тутса, қизларини сепига бирор донга сочиқ кутариб кириб келарди. Чунки инсонга буюм ҳар доим керак. Бунини мен ўғил уйлаб, қиз чиқариб билдим, бошқа нарсани айтмай қўя қолай. Энди ичига келсак. Эракка киши ҳаммаси ҳам ичади. Бу муаммо ҳеч қачон эраклар уртасида ҳал бўлмаган. Аммо узини билган эрак фарзандлари ҳаётига тийрак куз билан қараш керак, деб уйлайман.

Мен ҳам шу фарзандларини боқиб тарбиялаб, оқ ювиб-оқ тараб, игна билан қудуқ қазигандай қишлоқда обрў орттирдим. Худога шукр, ҳамма ҳурмат қилади. Шунинг учунми 1990 йили мени қишлоқ хотин-қизлар кўмитасига раислик лавозимига сайлашди. 6 йил яъни 1996 йилгача икки вазифани—ҳам ҳисобчиликни, ҳам кўмита раислигини қилдим. Ҳозирда ҳисобчилик қилиб ишлаб турибман. Турмуш уртоғим ичганда ичади, лекин сиз оғиз-

лари сен деган эмас, жуда ҳурмат қилдилар.

Синглим, яна 5—6 йилдан кейин ҳаётда шундай ишларингиз кўпайиб кетадики, қайси бирига бўлишингизни, қайси бирини уйлашингизни билмайсиз. Уша вақт учун асабларингизни ва соғлигингизни асранг.

Шарифахон, ногирон катта қизим ҳақида ёзмайман. Уни Тошкентда, Хоразмда кўп марта даволатдим (бир қули ва бир оёғи чап томони яхши ишламас эди). Муолажалар оз бўлса-да, фойда берди, олдингидан анча яхши, енгил қадам босадиган, оксоқлиги унча билинмай қадам босадиган, қули эса бир нарсани уш-лашда унча қийналмайдиган бўлди. Мен келганимда энди иккинчи синфда ўқирди. У қиз мактабни тугатгандан кейин Тошкент-социал-таъминот вазирлиги қошидаги ногиронлар ўқийдиган билим юртини ҳисобчилик курсида ўқитдим. Ҳозир Меҳнатобод маҳалла кенгашида ҳисобчи бўлиб ишлаб юрибди. Менга ҳали ҳам ушандай меҳрибон. Укаларининг тарбиясида менга ниҳоятда катта ёрдам беради. Ўзи ҳам ақлли, ҳушли қиз бўлган. Ҳозир 24 ёшда. Ким келин қилса, барака топади. Бир қўлда бўлса ҳам ҳамма ишни бажаради, бўлмаса укаларига қилдиради. Жуда покиза, эзода қиз бўлган. Оллоҳ ҳаммасини ақли худидан адаштирсин, деб тилайман.

Истардимки шундай оилалар телевидение орқали қўрсатилса, шундай аёллар боққан фарзандлардан интервьюлар олинса. Угай оналарнинг фақат ёмон томонлари қўрсатилмай, яхши томонлари ҳам қўрсатилса, биз ҳам анча ҳурсанд бўлардик. Меҳнату заҳматларимизга мингдан минг рози бўлиб, фахрланиб юрардик. Ахир ўз фарзандларини боқолмай ташлаб кетаётганлар ҳаётда қанча, ўз фарзандларига яхши тарбия беролмай қизларини фоҳиша, ўғилларини ўғри, муттаҳҳам ва қазоб қилиб тарбиялаётган оналар камми? Бу билан мен ўзимни мактаётганим йўқ. Ҳаётда бор нарсани айтаяпман, холос.

Мен эса Шарифахон билан хат орқали бўлса ҳам гаплашгим бор. Унга ҳали айтадиган гапларим кўп. Шарифахон, менга хат ёзинг, кутаман, ҳўпми?

Меҳринисо БЎТАБӨЕВА,
Наманган вилояти,
Мингбулоқ туман
Меҳнатобод қишлоқ, М. Юсупов
қўчаси. 28-уй

САБРНИНГ ТУБИ ОЛТИН

«КИЗ БОЛА ФАРЗАНД ЭМАСМИ?» — 46 сон

Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафо саллоллоху алайҳи вассалам муборак ҳадисларида шундай дейдилар: «Кимки уч қизни вояга етказиб уни оқила ва олима қилиб тарбияласа, унга дўзах ўти ҳаромдир»... Дарҳақиқат, биз ҳам пайгамбаримиз умматлари эканмиз, нега ҳадисларга қулоқ солмаймиз. Айрим бир одамлар тирноққа зор бўлиб юрганида, бу эркак-ота Оллоҳнинг берган неъматларига шукрона айтса бўлмайди-ми?

Менинг онам ҳам қаторасига 5 та қиз фарзандли бўлишди. Бешинчи фарзанди ҳам қизлигини эшитиб, онам хафа бўлиб маззалари қочиб қолди, поччам эса араблар касалхонага бормабди. Бунини билиб қолган онам, поччам келганларида: «Кўёв нимага хафа бўласиз, Оллоҳнинг берган неъматига шукрона қилсангиз бўлмайди-ми. «Қозонда бори чумичга чиқади» ёки «Нима эксанг, шуни ура-

сан», — деб насиҳат қилдилар. Олтинчи фарзанд бўлиб ўғил туғилди.

Шундай экан «Сабрнинг туби сарик олтин», — дейдилар. Сабр қилса ҳаммаси яхши бўлиб кетарди. Бечора аёл эрининг заҳарли сўзлари қурбони бўлди. Қизни берган худо, насиб этса ўғил ҳам беради-ку. Йигит ростданими ёки ёлгондан биттаси билан никоҳдан ўтиб қўйдим, деб аёлнинг ранжитади. Нахотки унинг туртта фарзанди борлигини билган аёл у билан турмуш қуришга рози бўлса. Ким қафолат бера олади иккинчи хотини ўғил туғиб беради деб. Оллоҳ балки бу хотинига ҳам қаторасига қиз фарзандлар ато этиши ёки шу турт норасида гудакнинг қўз ёшлари сабабли тирноққа зор қилиб ҳам қўйиши мумкин-ку...

Азиз одамлар! Бир-бирингизнинг қадрингизга етинг. Умр ўткинчи, умр оқар дарё...

Исмоил,
Денов шахри

СИЗ ҲАҚСИЗ, СИНГЛИМ

«У ҲАМ ЎЗ ТЕНГИНИ ТОПСА-ДЕСАМ»

Ҳурматли Мухайёхон! Сиз ноҳақ эмассиз. Сизни туғри тушунмаганлар ўзларини уша дугонангиз ўрнига қўйиб курсалар бўларди. Шунда ҳам бундайларнинг баъзилари тушунмай эгиди, баъзи илмсизлар, калта ўй инсонлар эса барибир тушунмайдилар. Бизлар ёшлик давримизда чеварчилик ўқишини битиргач туман маиший хизмат уйида ҳунар урганганмиз. Умрзоқ хожи Саримсоқов деган кекса отахон қизларга ниҳоятда меҳрибон, насиҳатгўй эдилар. Баъзиларимиз қувватланасак, чевар опаларимизга бу қизларни вақтида турмушга чиқшини ўқидиб боришлар, дердилар. 22 нафар дугоналар биринкетин эрга тегиб кетдик. Фақат ота-онаси йўқ, акалар, хола-тоғалар тарбиясига муҳтож бўлган Муножатхонни турмушга узатиш пайсалга солиниб ёши ўтиб кетди. Анча йиллар ўтгач, Муножатни бир сиҳатгоҳда учратиб қолдим. Устлари юпун, юзларини ажин қоплаган бу дугонамдан турмушини, фарзандларини сўрасам, икки қўлини юзига тутиб ўқсиб йиллади. Муножатга ҳеч ким гамхўрлик қўрсатмагандан кейин, у куча аёлига айланиб қолибди. Мухайёхон дугонангиз қирқ ёшда бўлса-да ҳалиям кеч эмас. Куч-қуввати бор, шу сабабдан ўз тенгини топиб турмуш қўриб олсин. Ойилаи аёл ҳам, эрак ҳам жаннатда яшаган билан тенг бўлади. Ҳадемай ёши ўтиб фарзандсиз қолиб кетиб афсус-надомат чекса қўнглига ҳеч ким далда беролмайди. Фарзандларнинг ўғил боласи ини-қиз боласи сингил бўлиб қариганда асқотади. Сизнинг фикрингизни бизлар ҳам қўллаيمиз. Ўзгалар дардига, фикрига жон қуйиштирибсиз, сизга раҳмат.

Матлуба ИСРОИЛОВА,
Андижон вилояти Олтинқўл туман
«Саломатлик» маркази ходими

ШАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз
фарзандларим
МАМУРАХОН

ва
ДИЛЛОХОН!
Сизларни та-
валлуд айёмин-
гиз билан мубо-
ракбод этиб,
бахтимизга соғ-
саломат, бахтли
ҳаёт, узоқ-умр,
қалонгизда ий-
мон гавҳари ила
яшам оқликини
Оллоҳдан сураб
ҳалқимизга, ва-
танимизга тинч-
ликхотирамлик
тилаб.

Адажонинг,
Онажонинг

Азиз
онажонимиз
Шурубой!

Сизни ва
келиндарин-
гизни 8-март
хотин-қизлар
байрами би-
лан чин қалб-
дан табрик-
лаймиз.

Кўёвнингиз
Назаржон,
қизингиз
Моҳира

Фарзандимиз Собиржон!



Се-
ни ту-
гил-
ган
куни-
н г
билан
чин
дил-
дан
та-
брик-
лай-
ми-
з. Сен-
га узоқ-
умр, бахт
тилаймиз. Ҳа-
ётинг зилол
судек тиниқ,
асалдай тотли,
чинордек
муштаҳкам бўлсин.

Эҳтиром билан оила
аъзолари ва синглинг
Наргиза

Синимиз Мамуд!



7 март туғилган кунинг ва 8-март хотин-қизлар байрами билан табриклаймиз. Сенга Оллоҳдан бахт тилаб қолгучи

Поччанг
Назарали,
опанг Моҳира

Азиз
қизимиз
Дилфарузжон!

Сени туғил-
ган кунинг би-
лан табрик-
лаймиз, ило-
ҳим ақли, гу-
зал инсон бу-
либ вояга ет-
гин.

Аданг Мухтор,
аянг
Мадина

Азиз Муаммажон
ва Шахнозатон!

Сизларни яқинлашайтган
8-март — баҳор айёмин-
гиз-ла кутлаймиз! Сизлар-
га соғлиқ, бахту саодат
ишларингизда омадлар ти-
лаймиз.

Сирғали тумани
прокуратурасидаги
ҳамкасбларингиз

ОИЛА — 527

26 ёшдаги келишган,
иқтисодчи вазифасида
ишлайдиган қиз Тошкент
ёки Самарқандда
яшайдиган хушфел, оли-
жаноб йигит билан тани-
шишни истади.

ҚУЛОҚДА ГАП КҮП

Қулоқларимиз фақат эшитишгина эмас, балки ички аъзолар билан бе-
восита алоқа вазифасини ҳам бажара-
ди.

Ички шомоллашлар — масалан: буйрак, упка, биқин, кўкрак ва ҳока-
зо оргиларни тузатиш учун унғ қўл
билан унғ қулоқни, чап қўл билан
чап қулоқни бир кунда камида беш
маротаба 3-4 минутдан уқалаб турсак
томир орқали шомоллаган аъзолари-
мизни қизитиб, бир ҳафтага қолмай

касалликдан фориғ этади.

Шомоллаган ёш болаларнинг икки
қулоғини оҳиста ушлаб, жигга тегма-
ган ҳолда кунга беш маротаба 3-4 кун
уқалаш керак.

Қулоқингизни совуқдан ҳимоя қил-
маслигингиз (эркаклар қулоқчинсиз,
аёллар рўмолсиз юриши) ички аъзо-
ларнинг шомоллашига сабаб бўлади.

Саидмурод САИДАҲМАД



Онажон сизни 8-Март Халқаро хотин-қизлар кўни билан табриклаймиз. Сизга боқий умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз — Ёрбек,
Шахло, Мадина



ЎҚИНИ

(Наргиза қизим хотирасига)
Япроғим тўқилди бевақт танамдан,
Ой қизим кўз юмди эрта оламдан,
Ёш бўлиб айрилдим мурғак боламдан,
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Бўйим кучоқлаган жажжигина қўл,
Жаҳаннам қаърига топди энди йўл,
Бу ҳаёт гулзори манга энди чўл,
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Қўзимнинг нурини сўндирдинг нега?
Очилмай гунчамни сўлдирдинг нега?

Мен қолиб боламини ўлдирдинг нега?
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Расмига термуддим кўзларимда ёш,
Ўқиб йиғлайман беролмай бардош,
Эй, фалак бўлмасанг бунча бағри тош,
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Кўрмайин ўтаман энди боламини,
Ҳис қилмай ўтаман энди оламини,
Кимга айтсам экан юрак ноламини,
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Нега бажармадинг қилган ваъдангни,
Бевақт ўзинг олдинг берган мевангни,
Қизганим кечиргин шўрлик отангни,
Яна не зулминг бор менга, айт ҳаёт?

Жойларинг жаннатда бўлсин ой қизим,
Кўзлари кўзмунчок, юзи ширмой қизим,
Фаришталар ёнидан берсин жой қизим,
Сен ҳам бу қилмишдан энди қайт ҳаёт?

Ҳар кимнинг дилбанди бағрида бўлсин,
Ҳаёти қувончга, шодликка тўлсин,
Отаси фарзанди қўлида ўлсин,
Олдин тельман билан олдин қайт ҳаёт?
Рустам ХОЖИЕВ,
Шайхонтоҳур тумани, Жар-ариқ маҳалласи

БИР ЙИЛ ОЛДИН ХАБАР КЕЛГАН ЭДИЮ...

Мен ушанда ёшгина келин эдим.
1991 йил. 2-ноябрда утар кечаси бир
туш қўрдим. Тушимда опамнинг умр
йўлдошлари (рахматли поччам) кўн-
ғироқ қилган эмишлар. Мен трубка-
ни кутариб у киши билан сурашиб-
ман ва «Почча, сиз шу вақтгача қаер-
да эдингиз?», — деб сурабман. (У
киши уша вақт ҳаётдан қўз юмган
эдилар) У киши эса мен ҳозир гу-
зал жаннатмакон жойларда юрибман,
«Опанг яхшимиз», — деб сурадилар.
Мен эса, «Ҳа, фақат сизни роса со-
ғинганлар», — дермишман. Шунда у
киши мени ёнларига қаққармишлар.
Мен эса ҳужайинимдан суроқсиз
бора олмаслигимни ва ақиндагина
турмушга чиққанини айтар эмиш-
ман. У киши мени роса қаққардилар.
Мен эса «йўк» деб туриб олибман.
Сўнг унда сендан бошқа ким бор

деб сурабдилар. Мен эса раҳматли ука-
жоним борлигини (уша пайтларда у ти-
рик эди) айтибман. Сўнг у киши укам
Муроджон билан роса ҳол-аҳвол сура-
шибдилар. Ва уни ёнларига қаққарди-
лар. У эса, «Майли, почча онам билан
дадамдан сурай, албатта бораман», —
дер эмиш. Сўнг эса, «Қўпи билан бир
йилгача бораман, албатта бораман», —
дермиш. Шунда поччам, «Қара; адаш-
магина, тўғри менинг олдимга келгин», —
десалар, уям, «манзилингизни айти-
нг», — деб сурашмиш. Поччам эса ман-
зилим «жаннат» дермишлар.
Мен эса укамни нуқул уришармишман.
«Нега ўзингча ваъда берасан», — деб.
«Ҳамма кўнса ҳам, онам кўнмайдилар,
барибир ортиндан борадилар», — дермиш-
ман.
Эртаси кўни бу тушни раҳматли она-
жонимга айтдим. У киши эса ғалати

ТАЪБИРНОМАСИ

булиб, «Э, қурган тушинг қурсин», —
дедилар. Шундан сўнг бу тушни уну-
тиб юбордим.
Аммо... 1992 йил 2 ноябрдан утар
кечаси укам ҳақидаги шум хабар этиб
келди. У ҳам поччамдек узоқ йўлда
машинада автомобил ҳалокатига учра-
ган, яъни шахид бўлган эди. Қаранг-
а, бир йилдан сўнг айнаи уша кеча у
ҳақиқатдан поччасининг ёнига жунади.
Шундан сўнг онажоним ҳам бир ярим
йил утар-ўтмас 17 ёшли кенжатоилари-
нинг фироғида ёниб-адо бўлдилар ва
ҳаётдан 55 ёшларида қўз юмдилар.
Биз гўмроҳ бандаларга бир йил ол-
дин хабар келган экану, биз эса...
Назира ЎРОҚОВА,
Қарши

«Оила ва жамият» ёрдам берди ИШГА ТИКЛАНДИ

Тахририятимизга Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридан Г. Усмо-
нова шикоят мактуби йўллаганини,
узо урғига қайта тикланишга ёрдам беришимизни сураганини. Мазкур
ариза юзасидан муҳбиримиз И. Сатторов атрофлича текшириш
ўтказди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги ўрта-маҳсус касб-ҳунар таълими бош-
қармасининг бошлиғи И. Раҳимовдан бу ҳақда жавоб олдик. Хатда
Гулнора Усмонованинг ушбу бошқарма ҳужалик ишлари мудирини ва-
зифасига тикланганлиги хабар қилинган.

Шунингдек, Х. Акабевнинг тахририятимизга мадад сураб ёзган
аризаси юзасидан ҳам расмий жавоб олдик. Қашқадарё вилояти Деҳ-
қонобод тумани ҳокимининг 25.02.1999 йил 1-қарорига асосан Фу-
қаро Ҳужамберди Акабевнинг шикоят аризаси ижобий ҳал этилган.

Ажойиб-ғаройиб

ҚАССОБ БЎЛИШИМГА САЛ ҚОЛГАН

Неча ёшдалигим эсимда йўқ. Болалигимда дадам раҳматли қўлар-
дан бирини сўйганлариди диҳат билан қўзатиб турган эканман. Эр-
таси кўни маҳалламиздаги бир журам, боғимизда уйнаб юрганамда
олдимга келиб: — «Кеча даданг қўйни қандай қилиб сўйдилар, қўр-
сатиб бер, — дебди. Мен унга қўйимизни қандай қилиб сўйганини
қўрсатиш учун арқонни олиб келиб, «мана бундай ётасан», — деб
ўзининг розилиғи билан қўл-оёғини боғлаб, бўйни томонидан теша
билан ерни бир оз қазибман. «Энди ётиб қўтиб тур, пичоқни олиб
келгунимча», — дебман. Кейин дадамга бориб, кечаги пичоқни олиб
қўйганини сурабман. Дадам ҳайрон бўлиб сабабини сурасалар, мен
уртоғлимини кечаги қўй каби сўймоқчи эканлигимни, боғнинг бошида
унинг қўл-оёғини боғлаб қўйганимни айтибман. Юғуриб уша жойга
борган дадам, дарҳол журамнинг оёқ-қўлини арқондан бўшатдилар.
«Журам омон-эсон қолгани учун, эртаси кўни худойи қилиб, унинг ота-
сини ҳам қаққарган эканлар.

Шундай қилиб, десангиз менинг ҳам қассоб бўлишимга оз қолган...
Саидабзал

«МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1 ЯНВАР 1999 ЙИЛГА БАЛАНС ҲИСОБОТИ

№	Моддалар номи	Актив		Пассив	
		01.01.1998	01.01.1999	01.01.1998	01.01.1999
1.	Асосий воситалар қолдиқ нархи	7200	6220		
2.	Акциялар	851	1227		
3.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	834	1657		
4.	Сотиш учун олинган моллар	35446	47696		
5.	Пул маблағлари	6492	10119		
6.	Капитал жамғарма		33		
7.	Харидорлар билан ҳисоб-китоб	163	738		
8.	Бюджет билан ҳисоб-китоб	9	52		
9.	Бошқа дебиторлар	1401	733		
10.	Келажак мавсум харажатлари		454		
11.	Низом жамғармаси		2537	2537	
12.	Қўшимча маблағ		380	380	
13.	Заҳира маблағи		128	381	
14.	Тақсимланмаган фойда		1619	5125	
15.	Келажак даромадлари		3771	5579	
16.	Кредиторлар		35887	39660	
17.	Бюджетга қарзлар		1089	4042	
18.	Меҳнат ҳақи бўйича қарзлар		1212	1357	
19.	Ихтимоий сугурта қарзлари				
20.	Бошқа кредиторлар		489	800	
21.	Олинган аванс		3275	6998	
			2009	2070	
	Жами баланс бўйича	52396	68929	52396	68929

САБР-ИЙМОННИНГ ЯРМИ

«ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ИЗЛАЙМАН» 48 — сон

Хеч қандай дори-дармонсиз, ўзининг кучи билан ғиёҳвандлик дардидан қутилган одам туғрисида илгари бир ўрис газетасида ўқиган эдим. Бу дарддан қутилган киши ўзини даволаш давридаги азобни тасвирлар экан, «Териларим кучиб тушди», деб ёзган. Ушанда ҳавлимдан «бу хом сут эмган бандалар, ўзларини не азобларга мубтало қилади-я», деган фикр ўтган эди.

Ғиёҳвандликнинг узига келсак, шахсан мен ғиёҳванд билан қармоққа илинган балиқ ҳолати орасида фарқ қурмайман. Балки, бу қўполроқ ўхшатишдир. Аммо қўрган бўлсангиз, қармоқдаги балиқ ундан қутилиш учун қандай типирчилади. Ғиёҳвандлик қармоғига илинган одам ҳам, айниқса бошланғич даврда бу дарддан қутилиш учун, менимча бир неча уринишларни қилиб қўрса керак.

Балиқ қармоқдан қутилиши учун ёки ипни узиши керак, ёки қармоқ тишлаган ўз оғзини йиртиши керак, бўлмаса у

албатта ёғда қовурилади ёки балиқ шўрва қилиб ичиб юборилади. Аммо балиқ қутилиши учун унга қанча куч керак, бу эса камдан-кам амалга ошадиган иш.

Ғиёҳвандлик қармоғидан қутилган одамнинг аҳволи ҳам қармоқ ипини узган ёки ўз оғзини йиртган балиқ аҳволига ўхшашлиги ўқимиз Эргаш мисолида кўриниб тургандай. Чунки қармоқ ўзини тез-тез эслатиб турибди.

Эргашжоннинг мурожаатини ўқир эканман бу фавқулодда мустаҳкам ирода эгасини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим ва унга қараб «Укажон, сен нечоғлик иродали одам эканлигининг ўзинг биласанми?» дегим келади. Агар ёзганларининг ҳаммаси ҳақиқат бўлса, сен аллақачон туғри йўл рўпарасида турибсан. Сенинг иродангнинг бугунги ёшларимизга ўрнак қилиб қўрсатса арзиғуликдир. Шундай дардан ғолиб ке-

либсану, ҳаётнинг сенга қўпам боғлиқ бўлмаган анчайин муаммолари олдида доддирай бошладингми ёки сабринг, ироданг тугаяптими?

Сенга биринчи маслаҳатим, сен аввало бутун иродангнинг жамлагин ва ҳаётнинг ўзингга боғлиқ бўлган жиҳатларида туғри йўлда собит тур. Қармоқларга бошқа яқинлашма, зеро ҳаётда ғиёҳвандликдан бошқа қармоқлар ҳам мавжуд. Турт мучанг соғ экан, ўзининг эплаб юрган экансан бунинг учун Аллоҳга беадад шукрлар айтгин. Атрофингга қара. Сендай ва сендан қийин аҳволда юрганлар қанча?!

Ота-онангга улғайиб ўсган оилангидеги муаммолар сени қийнаётган экан, ўзингда масъулият сезаётган экансан, сен жудама катта қалб эгасисан. Бу изтиробларнинг учун Аллоҳ ҳузурида савоб-ажрлар бор, иншооллох.

Сен бугун отангга ёрдам бера олганинда нур устига аёло нур бўларди, аммо имкониятларинг бунга етарли эмас экан, бунга жоизга айлантириш туғри бўлмас. Қолаверса, аслини олганда ота-онангга сен топиб берган пулдан кўра сенинг соғлигинг афзалроқ эканлигини унутма. Уканг дардман экан уни даволатиш учун ёрдам бера олсанг, қандай яхши бўларди. Лекин хоҳиш билан имконият ҳамма вақт ҳам мос келавермайди. Шу аччиқ воқеликни кўтара олиш ҳам савобдир. Сабр-иймоннинг ярми дейилади ҳадисда. Инсон иймони учун Аллоҳ ҳузурида буюк ажрлар бор. Ҳозирча шифони яратгандан сўраб тур.

Отангнинг: «Ўғлим, ҳамма умидимиз сендан» деган сўзидан бир ёклама хулоса чиқарма. Биринчидан, иншооллох, бу сенга билдирилган юксак ишонч, иккинчидан, аввалги йўлингга қай-

тиб кетма, деган хитоб бўлса керак. Шунинг учун сен бу ишончга лойиқ бўл (бу лойиқлик нима қилиб бўлса ҳам отангга пул олиб бориб бер дегани эмас, албатта) ота-онангга ёрдам бериш хоҳишининг амалга ошириш учун тинмай имконият қидир, имкон топилмаса, бундан фожеа ясама. Сабр қилсанг, бу қийинчиликлар вақтинчалик эканлигига ишонч ҳосил қиласан.

Кейин албатта бирорта қасбнинг бошидан тут.

Эргашжон, кечирасан, қанча хоҳламай сенга ота-онангга моддий ёрдам беришинг учун бирор жуяли маслаҳат бера олмаяман. Чунки сенинг бу борадаги имкониятларинг менга маълум эмас. Сени фақат севимли газетамиз орқали танийман, холос. Агар қарши бўлмасанг, сен билан яқинроқ танишиш истигам бор. «Оила ва жамият» редакциясига мурожаат қилсанг, мен билан боғлаб қўйишди. Сенга сабр-бардош тилловчи ва ҳамдард биродар-аканг.

Шавкат ДОВУТОВ,
Тошкент

ҲЕЧ КИМСА АДАШМАСИН

Бу дунё ўткинчи — ҳаммамиздан қолади. Мўҳими унда ҳар ким ўз уринини, узлигини англаши ва имкон қадар ҳаёт қилмасликка интилиб яшамоғи керак. Аммо хом сут эмган бандаларимиз. Гоҳо билиб-билимай хатого йўл қўямиз. Ҳаётда адашмасдан яшамокнинг ўзи катта бахт.

«Энди мен нима қилай?» мақоласини ўқиб Бобурбекча ачиндим. Унинг севгисини бойликка алмаштирган қиздан

эса нафратландим. Ахир, дунёда муҳаббатдан улғу туйғу йўқ-ку! Наҳотки, қиз бунга тушуниб етмаган бўлса, Инсон учун энг буюк нёмаёт саналган севгини ўткинчи ҳою ҳавас ёки қандайдир моддий бойликка алмаштириб юборса-я! Бойлик топилади. Лекин йўқотилган муҳаббат, бахт, ишонч қайтиб келмайди. Шунинг учун ҳам ҳеч кимса адашмасин!

Мухтор ҲОЛИҚОВ,
Чинобод кўрғончаси

(«Унинг тўйи тезроқ ўтсаяди» 46-сон)

Ҳадиси шарифда шундай дейилган: «Дўстинг билан қаттиқ дўстлашиб кетма, чунки дўстинг бир кун келиб дўшманингга айланиши мумкин. Дўшманингга қаттиқ тикилма, бир кун келиб дўстга айланиши мумкин».

Менинг фикрим. Қизларимиз кўчада дуч келган йигит билан танишиб, ахдлашиб, юрагини, қалбини топириб кейин доғда юргандан кўра (чунки бир кўрганда инсонни билиш қийин, одам олеси

МЕНИНГ ФИКРИМ

ичида бўлади) совчи кутгани маъкул. Чунки ота-она ҳар қалай етти пуштини суриштиради. Бу қанақа оила, бу оиланимани кутса бўлади. Ўйлаб мўлоҳаза қилишди. Балки уша К. деган йигит сиз ҳақингизда ота-онасига айтган, маслаҳатлашган бўлса сизларнинг оилангизни К.нинг онаси қўшнилардан суриштирган бўлган, нимадир уларга ёқмаган ёки туғри келмаган бўлса, у-

лини ўзига ёққан бирор оиланинг қизига унаштирган дид.

Бу ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Сиз бунақа енгил бўлманг, енгилликни ҳаво кўтаринг. Оғир бўлинг, Аллоҳдан намоз ўқиб астойдил, яхши ният билан инсофли, яхши жойлардан ато қилишини сўрасангиз, албатта ниятингизга етасиз.

Табобатчи Б.хон
Саломатлик маркази

Мен рузноманинг ҳар бир сонини жуда қизиқиб ўқийман. Унда бериб борилаётган ҳаётини, оилавий, купинча тарбиявий мақолалар менга жуда ёқади. Мен рузномани фақат оилаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилувчи рузнома бўлиб қолишини истайман. Агар, рузномада ўзлари тарбияга муҳтож бўлиб «Эй азизлар, муҳаббатга хиёнат қилма-нлар», деб қичқириса, жуда хунук чиқаркан.

Адашган М. Х.ни қоралаб, ўзини мақтаб бири сирдошим, бири ёстиқдошим, бири бахтим, бири муҳаббатим деб ёзади. Ёстиқдошга сир айтиб бўлмасанми, муҳаббатга арзимайдими уша ёстиқдош?

«Бу мен учун хиёнат эмас, бахт», — деб ёзади шайтон оздириб, ёмон йўлга кирган, оиласи бор ошпаз-маъшукаси ҳақида. Хуш, уша ёстиқдош дейлик узидек бир бегона эркакни севиб қолди, дейлик. Эрини ёстиқдошим деб, уни муҳаббатим деб телба бўлдию-қолди дейлик. Шунда бу эркак ёмон кўчага кириб, бегона эркак билан сирлашиб юрган аёлни, болаларнинг онаси ва ёстиқдошини шу аҳволда қўриб, «Эй азизлар! Бу муҳаббатга хиёнат қилманглар!» деб қичқира олармикан?

«Дунёда муҳаббат сўзи ёлгон бўлмасин, у она каби азиз бўлсин», — деб ёзади ошпаз. Аналар унинг муҳаббати каби бетайинми?

Ёстиқдошини ташлаб муҳаббат излашадими?

Йўқ, оналар покиза, муҳаббати-

га содиқ, вафодор, чидамли ва сабрлилар. Уларни ҳеч ким, ҳеч нима билан тенглаб бўлмайди. Муҳаббатни эса гоҳида умри шу қадар қисқаки, уни хиёнат аталмиш шамол йўқотиб юборади. Хиёнатнинг тоши отир, у эркак ёки аёл томонидан отилганини ўз жуфти қалбини бир умрга музлатади. Таёқ зарби унутилади, аммо хиёнатни асло кечириб бўлмас, у бетиг яра соладики, қадан ташқари, болалари ҳам ошиқ отасига меҳри-оқибатларини дариг тутгай.

Аниқроғи, номаҳрам аёл билан эркак ўртасида на дўстлик, на сирдошлик бўлмай. Уларни дўстлигию сирдошлиги уша нозик масалага қадалади-ку, бир кун сир очилса, ёмондир. Мен аёл сифатида ҳам, она сифатида ҳам уша эркакнинг ёстиқдоши эрининг хиёнатини асло

гани ҳақида, аёлларнинг иккинчи турмушларидаги эр қизу ўглини зурлаши ҳоллари мисолларда ёритилганки, «тавба» демай иложингиз йўқ. Ушандоқ ҳаётдан ҳам мамизни узоқ қилсинки, бунга бош чораси хиёнат қўчасига кирмаслиқдир. Нихосиз туғилган болаларни улғайиб қон тортиб ўз сингилларига, акаларига севги-муҳаббат қўйиши ота ёки онага бориб тақалади.

Эр хиёнатига қолган аёлларимиз сабмли бўлиб, фақат болалар бахтини ўйлаб яшасалар, уларни угай ота қўлига топширмай парваришлаб уни-ўстирсалар Аллоҳни раҳмати шу аёлга ёғилгай, токи фарзанд туғилдими она учун эрга бўлган муҳаббатдан ҳам фарзандагидан муҳаббат кучлироқ бўлмоғи зарур. Шунда ажримлар, етим болалар, қўнғил ўқисқ фарзандлар қамайгай.

Кўп йиллик хотинбозликлардан кейин ўз ҳаётимда бўлиб ўтган воқеа-эрим оилага қайтди. У ҳозир охиратини, болаларини бахтини ўйлаб атрофимизда парвона. Аммо унинг қилган хиёнатлари туфайли менинг юрагим музлаб бўлганки, қани энди улган муҳаббатни тиклаб бўлса, болаларим ҳам совуб бўлишган. Аллоҳга шукрки, болаларимга ҳам ота, ҳам она бўлиб уларни деб яшадим.

Энди ҳаммамиз биргаликда утажак ҳаёт йўлларида орзу-умидларимиз севроб. Худо сизу бизга ҳаммамизга саломатлик, тичлик ато этгай.

САОДАТ

ХИЁНАТ ТОШИ ОФИРДИР...

«МУҲАБАТГА ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ» 41-сон

лбдаги бу яра асло тузалмағай.

Кейин ҳаёт давом этар, хатолар тузатиладир аммо аввалгидек қўнғил соғлом бўлмағай: Хиёнаткорнинг қўллари аёлни силаганда аёл уйлар — бу қўллар яна кимларнидир эркалаган-ку! Бу лаблар бошқа бир аёлни ҳам угпан-ку? Бу ширин сўзлар кимларгадир айтилган-ку! Буларни эслаган жуфти уша омиёқ музга айланади, қолади-ку! Бу муҳаббат эмас нафратдир! Бу дегани у жуфти-халолни тириклигини ўлдирганки, уни энди асло даволаб бўлмас. Шу учун ошпаз бу кўчадан тезроқ чиқиб оиласи — болалари олдига қайтсин. Уни бу йўлда учратса, ўз жуфтининг-ку юраги музлаш-

билмаслигини хоҳлардим, токи у камситилмасин ва яраланмасин.

Чунки ўзимни бошимга хиёнатлар тоши кўп келиб тушганки, мен ўзимдан-ўзимни совутиб бўлдим. Аввал бахтим деб қурашдим, жамоат ташкилотлари аралашди, аммо эркакнинг ҳаёт мазмунини ҳаром йўлдан ахтариб қолса, асло бунга даво йўқ экан. Шунинг учун эркак-аёлга Аллоҳни ўзи инсоф берсин экан. Яқинда «Московский комсомолец» (204-сон) рузномасида Елена Березина «Ты и я» мақоласини ўқиб ёқа ушладим. Россияда ҳар 100 никоҳнинг 50 таси ажрим билан тугаётгани, ҳар 100 аёлнинг 70 таси ёлғиз она бўлиб боласи билан қолаёт-

Табриклаймиз!

**Хурматли Рамоненко
Гулсара Римовна!**

Сизни 37
ёшга тулган
таваллуд кунингиз билан табриклаймиз!
Узоқ умр ва
соғлиқ, бахту саодат тилаймиз!



Эхтиром ила Шахристон
Саноат курилиш банки
бухгалтерия ходимлари

**Ажажоним!
Ражабов Рауф
Рахмонов!**

Сизни 13
январ таваллуд кунингиз билан табриклаймиз!
Соғлиқ, омад ва бахт тилайман, умрингиз узоқ бўлсин.

Синглингиз
Наргиза

**Азиз ҳамкасбларимиз
Нурматов Раҳимжон
ва Шарофуттинова Людмила!**

Сизларни таваллуд кунларингиз билан муборакбод этамиз. Соғлиқ, бахт ва ишларингизда омадлар ёр бўлсин.

Хурмат билан «Шарқ» нашриёт матбаа концерни газета ротация цехи ходимлари **М. Асламов, О. Исоқов, И. Набиев, К. Тўлабоев, О. Саидов.**

**Азиз ва меҳрибон онажонимиз
Шарофатхон Латипова!**



Сизни 16 январь — таваллуд кунингиз ҳамда 48 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Уғил — қизларингиз камолини куринг.
Фарзандларингиз номидан
ўғлингиз Ҳикматилло

Хурматли Зулфия опа!
Сизни муборак «60» ёшингиз билан табриклайман, узоқ умр, саломатлик тилайман.

**Ҳамиша баҳорим,
қаторда норим,
Ардоқли азизим
меҳрибоним,
«100»ёшга кирганда ҳам
даврада бўлинг,
Синглингиз табригини
қабул қилинг.
МАТЛУБА**

Шайхонтоҳур туманидаги «Хожирхиси» хусусий фирмасининг думалок муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КЕНГ КҮНГИЛГА, КЕНГ ДУНЁ

«Аели бор уйнинг чироги ҳамиша ёниқ бўлади». Бу гапларни 90 ёшга кирса-да, ҳассас таянмай ўзига ишониб юрадиган Энахон моёмо бошини елкалари орасига қисиб, ер чишиб утирадиган амакимга бот-бот такрорларди.

Ушанда мен ёш бола эдим, бунда гапларнинг маъносини тушунамай «Момо, нега унақа деяпсиз, амакимни уйлари чироги ёниқ», — деб сураганимда, оғзида иккитагина қолган тишини авайлаб қилиб кўярди-да, «Катта қиз бўлсанг, билиб оласан», — дерди.

Шундан бери ўчоқ атрофида неча кўмгонларни қайнатдим, катта қиз бўлиб неча тандирларга олов ёқдим. «Бировникига борсанг, уялтириб қўймагин», — дейишди. Бировникига бориб оловдан юзларим қизариб-қизариб ширмой нонлар ёпдим, қулча нонлар ёпдим. Тандирга сиймай қолган қулча нонларим пишмай қолганида неча бор йиғлаб, неча бор юландим.

Дунё кўрмай, дунё кишиси бўлмас экансан. Уч болали бўлганида амакимнинг феъли бир айниди, бир айниди, ҳеч ким қузига қуринмайди. Феъли ўзига ҳам торлиқ қилиб, ёлғизлиқни кўмсаб қолди.

Хайҳотдек ҳовлидан биттаям чўп кутармади, аммо уч боласини опчиллаб отасиникига кетиб қолган янгам ўн беш йил деганда остона хатлади. Бу йиллар айтишга осон, аммо у маҳалла-қўй, эл-юрт олдида аёллик шаънига доғ туширмай юрди. Бировнинг ўшигига мураламади, кишлоқ оша ёмон гаплар ораламади. Ҳаммасини тақдирини насибдан қурди.

Бу йиллар амакимни неча марта таба элакдан утказмади. Бошқа аёлни билагидан тутиб ҳам қурди. Аммо у бармогини ҳам утказмади. Аёл рузгор «уйин»ларида ютса ютдию, ютказмади. Пешона бориб деворга теккач, қулар каттароқ очилди.

Амаким уйлаб қараса, дунёда ёлғизликдан ёмон нарса йўқ экан. Кўлнинг донгини бағиги чиқарганидек, оиланинг номини одобли фарзандлари-ю, меҳрибон аёллари чиқаради. Кўнгиллардан баҳра олиб яшамаган кўнгилни қуриган дарахтдан фарқи нима?

Тақдирга тан бериб уч боласи билан янгамни ўз уйига олиб келганида болалар анчайин оталаридан бегонасираб юрдилар. Ёлғизликка ўрганган одамнинг қайноқ ҳаётга қайтиши қийин бўлар экан. Ахир амакимнинг болалари олмалар оқишиб уйнаган ариқлардан қанча сувлар оқиб кетди, ёмғирдан асровчи толлар кесилиб кетди.

Мана бугун уша қайсар амаким, итаотгүй янгам умр туйларини нишонлаш арафасида. Икки четиға қатор қилиб теракар эжилган сўмқоқа бўйлаб борар эканман, қия очиб қўйилган сарик дарвозадан сездирмаини муралайман. Назаримда уша синовлар, айрилиқлар уларни янада яқинлаштириб қўйгандек. Атрофда думалашиб юрган неваралари ҳовлини бошларига кутариб чувалашади. Бирни сурига қўйилган зинапочалардан чиқолмай қийналса, бири ерга тушаман, деб жанжал кутаради. Энахон момодан қолган кўмгон эса ўчоқ бошида биқиллаб, биқиллаб қайнайди. Бекасини қақиради. Ҳа, бу уйнинг ҳам энди АЕЛИ бор.

Нигора Йўлдошева.

КОРХОНАМИЗ ГҲЁКИ ЎЗ УЙИМИЗ

Беш юз кишилик меҳнат жамоамизга Комил Очилов раҳбарлик қиладилар. Ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошларини вақтида бериб бориш имконига эгамиз. Бундан ташқари энг арзон нархларда озиқ-овқат маҳсулотлари — ун, гуруч, пахта ёғи, совун ва бошқа маҳсулотлар бериб бораёламиз. Қурилиш материаллари-цемент, шифер, блокшишт ва ҳоказолар ишчиларимиз учун бозор нархидан анча арзон қилиб белгиланган. Касаба уюшмаси раиси Бахтиёр Худоев бошчилигидаги комиссияси аксарият ҳолларда ишчиларимизнинг тўю-маъракаларини ўтказишга ёрдам беради. Кам таъминланган, иккинчи даражадаги ҳисобидан бўлиб, буюқчинини йўқотган, ҳукумат нафақасига қараб турган оилалар ҳам диққат марказимиздадилар. «Танхас» ишчилар шаҳарчаимизда янги уйлар қурди. Шу боис уй-жой муаммоси кун тартибидан олиб ташланди. Беш кишлоқдан катнаб ишлайдиган ишчи-хизматчиларимиз корхонамиз автопорталтирдан фойдаланадилар. Транспорт муаммолари ҳам йўқ. Ишчилар шаҳарчасидаги машина бинолар-сартарошона, тиббий пункт, дуконлар, болалар муассасалари ҳаммам ва бошқа ишчиошларга корхонамиз ҳомийлик қилади. Байрам ва сайларда ишчи-хизматчиларимизга соф фонддан ҳисобидан маблағ ажратилиб, пул мукофотлари, бепул гушт, қимматли буюмлар совға қилинади. Машҳур санъат усталари иштирокида концертлар уюштирилади. Фахрийларга ўттиз, ўттиз беш минг

сўмлик мукофотлар тортиқ қилиниб, чоплар кийдирилади. Ишлаб чиқаришдаги ишчи уринлари тоза-озода, дам олиш хоналари, чойхона, қиратхоналарда бемалол ҳордиқ чиқариш мумкин.

Илгор ишчи-хизматчиларимиздан Тўра Эргашев, Сафар Пардаев, Мухаммадали Худоев, Саид Каримов ва Рузи Сафаровлар уларига бирктилган техника, ускуналарини бекаму-кўст ишлатдилар, қишлоқ орасида обрў-эътибор қозонганлар.

Тайёр маҳсулотларимизга сифат сертификат олиб, турдош корхоналар орасида пешқадамликни кўлдан бермаганимиз боис, рақобат муҳитида махсулотимиз бозорни чаққон. Аммо бу борда муаммолар ҳам мавжуд. Афсуски технологиямиз эскирди, вақтини ўтаб бўлди. Биз таъмирлаш бригадаси тузиб, бор имкониятини ишга соляёламиз. Элли миллион сўмлик дебитор қарзларимизни ўндириб олишимизга, валюта фонд очишимизга «Ўзсўқурилиш» концерни ва бошқа ҳомийларимиз ёрдам бермас эканлар, биз билан шартнома тузишга тайёр турган унлаб улкан корхоналарга хомашё етказиб беришга ожизлик қиламиз.

Албатта бу муаммоларни бартараф этиш ўз қўлимизда. Мухими, ишчи-хизматчиларимиз меҳнатқаш, серғайрат, эътиқодли одамлар. Бундайлар бор экан, омон экан, ҳар қандай қийинчиликларни ҳам енгиш, мақсадга етиш мумкин.

Ҳазрат БҲРИЕВ,
Шаҳрисабз тош саралаш
заводининг бош иқтисодчиси.



ЎРИГИДАН ДАНАГИ ШИРИН ЭКАН

Биз болагимизда шўхлик қилиб қўйсақ ота-оналаримиз койган вақтларда буювимиз ёки бобоимизимиз ёнимизга тушишарди-да, уларнинг ўзларини уришардилар. Шунинг учун бўлса керак, уйимизга бобо-буваларимиз ташриф этишса, шўхлиқни ҳаддидан ошириб, азиз ота-онамизни ранжитиб ҳам қўярдиқ, назаримда.

Мана, орадан йиллар утиб кетди. Буни қарангки, ўзимнинг ҳам сочларимга қиров қўниб, бува бўлибман. Бугун шириндан шакар набирам Икромжонни ўғлим ёки келиним сал койиса юрагим титраб, дарров ёнига тушганимни билмай қоламан. Шундагина бувам-буювимнинг меннинг ёнимга тушганларини эслайман. «Ўригидан данаги ширин» деган гапнинг маъносини энди тушундим. Жажжи набирам Икромжоннинг атак-чечак қилиб юришларини қурарканман, ҳаётимдаги бахтнинг буларсиз кемтиклигини уйладим: осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин болажонларимизнинг бахтига...

Шариф Худойқулов,
Чироқчи тумани,
Араббанди қишлоғи

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ФАРДОЛАР

**Ҳанимат бил ҳар онни,
